Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2009 йил 31 март ● сешанба ● № 12-13 (629-630) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

Ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш

фуқароларнинг фаровонлигини ошириш, Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга чорлайди

2

Истиқлол имконияти ва имтиёзи

ТОШКЕНТДА Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркорлар, фермерлар ва ҳунармандлар ўртасида ўтказиладиган "Ташаббус-2009" кўрик-танловининг якуний, республика босқичи бўлиб ўтмоқда.

Танлов иштирокчилари учта асосий йўналиш бўйича — **"Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери"** ва **"Йилнинг энг яхши ҳунарманди"** ҳамда қўшимча **"Йилнинг энг ёш тадбиркори", "Йилнинг энг ёш фермери", "Йилнинг энг ёш ҳунарманди", "Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли"** ва **"Йилнинг энг мурувватли тадбиркори"** номинациялари бўйича беллашадилар.

Бу нуфузли кўрик-танлов юртимиз тадбиркорларига имконият эшиклари очилганидан далолатдир.

«Ташаббус — 2009»

2000 йил 25 май

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

2005 йил 14 июнь

Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди.

Суратларда: «Ташаббус — 2009» кўрик-танловидан лавҳалар.
Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар

2005 йил 15 июнь

Президентимизнинг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

// Миннатдорчилик мактублари

КИШИ бирор-бир муаммо гирдобида бўладики, мутасадди идорага ёки таҳририятга мурожаат қилади. Айниқса, бир неча жойдан жўяли жавоб ололмаган бўлса "энди ҳал бўларми-кин", деган ўй уни тарк этмайди.

Газета аралашгач

масала ҳал этилди

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ "Инсон ва қонун" ҳуқуқий газетаси таҳририятига шу умид билан мурожаат қилгандим. Фермер хўжалигига оид муаммо анчадан бери ечим топмаётган эди. Газета аралашгач, ушбу масала ижобий ҳал бўлди. Одамларнинг муаммолари ҳақида ўйлаб, атрофлича ўрганиб, ўз ишига катта масъулият билан қараётган таҳририят ходимларидан миннатдорман.

Эҳтиром ила
Ҳурмат ИБРАГИМОВА,
Самарқанд вилояти,
Нарпай туманидаги
А.Расулов маҳалласи

Жиддий эътибор қаратишди

ва менга ер беришди

ЮРТБОШИМИЗ томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга ҳар томонлама имкониятлар яратилганидан доимо мамнунмиз.

МЕН ҳам ногиронларга берилган имтиёздан фойдаланиб, уй-жой қуриш учун ер ажратилишини сўраб маҳаллий мутасадди идораларга мурожаат қилгандим. Негадир турли ташкилотларга йўллаган хатларимдан бирор наф бўлмаганди.

Шу муаммони қонуний ҳал этишда ёрдам сўраб «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасига ҳам мурожаат қилгандим. Шундан сўнг бу масала ижобий ҳал бўлди. Мактубимга эътибор билан қараган ва менга ёрдам берган таҳририятдан миннатдорман.

Ҳурмат билан,
Ирода ТОШЕВА,
Бухоро вилояти Бухоро шаҳри
Давлатобод маҳалласи

Кредит

олганимиздан хурсандмиз

ТАҲРИРИЯТ аралашуви билан имтиёзли кредит олиш борасида фермер хўжалигимизда вужудга келган муаммо ўз вақтида бартараф этилди. Пировардида пахта ва ғалла ҳосили учун бериладиган имтиёзли кредит олишга муваффақ бўлдик ва кўтаринки кайфиятда ундан мақсадли фойдаланишни бошлаб юбордик. Бизга шундай имконият яратиб берган таҳририят аъзоларига ижодий камолот тилаймиз.

"Шодмонов Холли бобо" фермер хўжалиги аъзолари

билан таъминланди

Ўзбекистон —Германия "Савдогар" акциядорлик тижорат банки бошқаруви томонидан газетанинг 2009 йил 24 февраль сонида чоп этилган "Муаммонинг ечими борми?" сарлавҳали мақола тегишли тартибда ўрганиб чиқилди.

Ўрганишлар натижасида "Шодмонов Холли бобо" фермер хўжалигида мавжуд муаммолар бартараф этилди, фермер хўжалиги пахта ва ғалла ҳосили учун бериладиган имтиёзли кредит билан таъминланди.

М.АКРАМОВ,
Ўзбекистон — Германия "Савдогар" акциядорлик тижорат банки бошқаруви Раиси ўринбосари

"Ишонч телефони"

Ҳурматли фуқаролар!

ҚОНУНИЙ ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда ҳеч иккиланмай, Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги **"Ишонч телефони"**га қўнғироқ қилинг. Адлия идораларининг тажрибали мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!



Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
(371) 008, 236-26-99, 233-47-68, 236-05-09
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги
(361) 008, 223-34-00
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси
(371) 008, 262-92-42, 269-14-45
Андижон вилояти адлия бошқармаси
(374) 008, 224-42-31, 222-30-89, 224-45-94
Бухоро вилояти адлия бошқармаси
(365) 008, 223-74-16, 223-21-20
Жиззах вилояти адлия бошқармаси
(372) 008, 771-64-71,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармаси
(375) 008, 223-01-64, 223-01-73
Навоий вилояти адлия бошқармаси
(436) 008, 223-80-47, 223-01-38
Наманган вилояти адлия бошқармаси
(369) 008, 226-51-93, 226-36-62, 226-70-33
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси
(366) 008, 233-04-62
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси
(376) 008, 223-26-84
Сирдарё вилояти адлия бошқармаси
(367) 008, 225-09-69, 225-41-19
Тошкент вилояти адлия бошқармаси
(371) 008, 280-50-98, 280-51-06, 253-30-02
Фарғона вилояти адлия бошқармаси
(373) 008, 224-15-49
Хоразм вилояти адлия бошқармаси
(362) 008, 226-86-47, 226-65-50

E-mail: info@minjust.gov.uz

// Малака

Амалий машғулот

Марказ тингловчилари Адлия вазирлигида

РЕСПУБЛИКА Юристлар малакасини ошириш марказида маҳаллий журналистлар ҳамда ҳудудий адлия бошқармаларининг ахборот хизматига масъул ходимлари учун ташкил этилган махсус ўқув курси тингловчилари 26 март куни Адлия вазирлигида амалиёт машғулотида бўлдилар.

УНДА Адлия вазирлигининг ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси, ахборот хизмати ҳамда "Инсон ва қонун" газетаси масъул ходимлари ОАВда ҳуқуқий мавзудаги, Адлия вазирлиги фаолиятига оид материаллар ёритилиши юзасидан тингловчилар билан қизиқарли жонли мулоқот қилишди. Савол-жавоб, таҳлилий муҳокамалар, баҳс-мулоҳаза тарзида ўтган машғулотда тингловчилар ўз ижодий ишлари билан ҳам қатнашдилар.

Дилором МАТКАРИМОВА

Адлия минбари

Ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш

фуқароларнинг фаровонлигини ошириш, Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилишга чорлайди

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ва эркинликларига риоя қилиш тамойилининг таъминланиши ҳақиқий демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти ҳисобланади.

КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда амалга ошириладиган демократик ислоҳотлар марказида ҳар доим биринчи ўринда – инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари туради. Бошқача айтганда, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ижтимоий ривожланиш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим устуворлиги деб белгилаган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга дахлдор бўлган босқичма-босқич суд-ҳуқуқ ислоҳотлари амалга оширилмоқда.

"Инсон ҳуқуқлари" кенг қамровли тушунча бўлиб, у туғилишдан тортиб, жамият ҳаётининг барча соҳаларида фуқаронинг эркин иштирок этишгача бўлган ҳуқуқларга тааллуқлидир. Халқаро даражада бир томондан фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар ва иккинчи томондан, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар фарқланади. Айни пайтда инсоннинг барча ҳуқуқлари универсал, бўлинмас, ўзаро боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсатини қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширади:

инсон ҳуқуқларининг умумэътироф этилган ғоялари ва қадриятларига, шунингдек, халқаро мажбуриятларга содиқлик;

давлатимизнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсати ҳуқуқий давлатчилик ва кучли фуқаролик жамияти шаклланишига асосланган асосий миллий манфаатлардан келиб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида муҳрлаб қўйилган шахс, жамият ва давлат манфаатлари мувозанатлари тамойили;

амалга оширилаётган барча сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг эволюцион босқичма-босқич характери;

ошкоралик ва транспарентлилик, зеро Ўзбекистон бу соҳадаги барча муаммоларни фуқаролик жамиятининг барча тузилмалари, шунингдек, ўзининг халқаро шериклари билан мулоқотда муҳокама қилишга ва ҳал қилишга тайёр.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан (Конституция, қонунлар, қонуности ҳужжатлар) иборат. 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари бўйича алоҳида бўлим бор ва у инсоннинг турли ҳуқуқларини, шунингдек, айрим мажбуриятларини кафолатлайди ва кўзда тутади. Конституцияга мувофиқ қабул қилинган қонунлар мажмуида Асосий қонунда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқлари ўз аксини топган. Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Меҳнат, Оила, Уй-жой, Солиқ, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодекслари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида", "Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида", "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Одам савдосига қарши кураш тўғрисида"**ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳурмат қилишга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган ҳуқуқий соҳа ташкил этилган, демократия ва фуқаролик жамиятининг асосий институтлари шакллантирилди, ҳуқуқни қўллаш амалиёти йилдан-йилга такомиллаштириб борилмоқда.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ҳамда кафолатлари билан бир қаторда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилий механизм, тегишли инфратузилма ҳам ташкил этилди.

Республикада инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини суд ҳамда суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича институтлар тизими шакллантирилиб, фаолият кўрсатмоқда. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий механизмлари ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш жоизки, Адлия вазирлиги ҳам судлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази билан бир қаторда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланадиган ихтисослаштирилган асосий муассаса ҳисобланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Адлия вазирлиги ва унинг органлари фаолиятида янги босқич бошланди. Биринчи навбатда, демократик ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашга қаратилган давлат ҳуқуқий сиёсатини ҳаётга татбиқ этиш борасида Адлия вазирлигининг роли кучайтирилди.

Шубҳасиз, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 370-сонли қарори Адлия вазирлигининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолиятида муҳим қадам бўлди. Бу борада шуни таъкидлаш керакки, адлия органлари зиммасига бевосита инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ва у билан боғлиқ вазифалар юкланди. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги таркибида Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасида унинг бўлимлари ташкил этилди.

Адлия органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини кўриб чиқишда шуни таъкидлаш лозимки, у бузилган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш ва қайта тиклашни таъминлайдиган бошқа органларнинг ваколатларини бекор қилмайди, қайта кўриб чиқишни талаб қилмайди ва такрорламайди, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суддан ташқари ҳимоя қилиш бўйича мавжуд воситаларни тўлдиради.

Хусусан, Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш соҳасида адлия органлари зиммасига юкланган бошқа вазифалар билан бир қаторда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги ҳақидаги мурожаатларини холис ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқмоқда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилгани тўғрисидаги далиллар аниқланган ҳолатларда қонунга мувофиқ уларни тиклаш чораларини кўрмоқда, бундай қонунбузарликларга йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан эса тақдимнома киритиш каби таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилмоқда. Бундан ташқари, фуқаролар манфаатлари учун судларга даъво аризалари киритилмоқда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қўпол равишда бузилган ҳолларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки судларга мансабдор шахсларни жавобгарликка, ҳатто, жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги таклифлар тақдим этилмоқда. Масалан, 2008 йилда шикоятлар устида ишлаш умумий таҳлили шуни кўрсатдики, келиб тушган жами мурожаатларнинг 64,3 фоизида фуқароларнинг ҳуқуқларини адлия органлари ёрдамида тиклашга эришилган.

Жумладан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида тегишли идораларга 871 та тақдимнома киритилди, Уларнинг 810 тасининг ижроси таъминланди. Киритилган тақдимномаларнинг идоралар мисолида таҳлил этадиган бўлсак, 151 таси ҳокимликларга, 53 таси ички ишлар органларига, 34 таси коммунал хизмат кўрсатиш хизматларига, 26 таси тижорат банкларига, 9 таси солиқ органларига, 9 таси ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимларига, 4 таси суд органларига, 1 таси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, 1 таси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, 522 таси бошқа ташкилотларга киритилган тақдимномаларни ташкил этади.

Бундан ташқари, қонунга зид 15 та ҳужжатлар ижроси тўхтатилган, 223 та ҳужжат ижроси эса бекор қилинган, 1120 нафар айбдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, уларнинг 100 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Мисол учун, Наманган шаҳар халқ таълими бўлимига киритилган тақдимномага кўра, Наманган вилояти Норин туманида истиқомат қилувчи фуқаро Н.Рустамованинг ишдан ноқонуний бўшатилгани ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш якуни бўйича Н.Рустамова лавозимига тикланди.

Шунингдек, киритилган тақдимномаларга мувофиқ фуқароларга 669 миллион сўмдан ортиқ пул тўланди. Жумладан, меҳнат ва ижтимоий масалалар соҳасида 342 миллион, халқ таълими соҳасида 18,4 миллион сўм бошқа масалалар юзасидан 309 миллион сўмдан ортиқ маблағ фуқаролар фойдасига ундирилган.

Масалан, "Ўзбекқишлоқмаш" ОАЖга иш ҳақини тўлаш тўғрисида киритилган тақдимномага кўра ушбу корхонанинг 353 нафар ишчисига 77 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи тўланди. "Навоийсаноаттранс" шўъба корхонаси 23,3 миллион сўм Навоий вилояти Қизилтепа тумани Машина-трактор парки 9,25 миллион сўм, Навоий вилоятидаги Машина-трактор парклари бирлашмаси 18,4 миллион сўмлик фуқароларнинг иш ҳақларини тўлаб берган.

Яна шуни таъкидлаш керакки, аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш мақсадида маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида 291 та таклиф киритилди, улар асосида 296 нафар айбдор шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мисол учун, Бухоро вилояти жиноят ишлари бўйича Қоракўл туманини судига Қоракўл тумани ҳокимлиги ходимларини маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида киритилган тақдимномага кўра, фуқаролар П.Яхшиев, И.Алезов, М.Бозоров, Х.Жумаев ва бошқаларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш якунлари бўйича Қоракўл тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Ҳасанов ва ўринбосар Т.Раҳимов, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи И.Очилов, бош меъмор Б.Раҳматов, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ҳамда мутахассиси Н.Авезов ва Н.Муталовлар суд қарорига биноан маъмурий жавобгарликка тортилди.

Айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида 28 та таклиф киритилди ва уларнинг 31 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жавобгарликка тортилди.

Масалан, Тошкент вилояти Қибрай тумани прокуратурасига киритилган таклифга кўра, фуқаро М.Қорабоеванинг 27-мактаб маъмурияти, шу мактаб директори ва директор ўринбосарининг хатти-ҳаракатларидан норозилиги ҳақидаги мурожаатини кўриб чиқиш натижалари бўйича Э.Исматов ва М.Валиев Жиноят кодексининг 205-моддаси биринчи қисми ва 209-моддаси биринчи қисми, ушбу мактаб ўқитувчиси Н.Жўраев Жиноят кодексининг 228-моддаси учинчи қисми бўйича жиноий жавобгарликка тортилди.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани прокуратурасига киритилган таклифга кўра, фуқаро Л.Шадринанинг аризасини кўриб чиқиш натижалари бўйича Тошкент вилояти Оҳангарон тумани давлат нотариал идораси нотариуси А.Ҳамраев, Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси И.Имонов ва фуқаро З.Қутлиғуломова Жиноят кодексининг 209-моддаси биринчи қисми ва 228-моддаси иккинчи қисмининг "б" банди бўйича жиноий жавобгарликка тортилди.

Адлия органлари томонидан судларга қиймати 393 миллион сўмдан ортиқ 1499 та даъво аризаси тақдим этилган. Уларнинг қиймати 260 миллион сўмдан ортиқ 1125 таси қаноатлантирилди, қиймати 247 миллион сўмга тенг 1014 тасининг ижроси тўлиқ таъминланди. 103 та даъво аризаси бўйича суд қарорига мувофиқ 32 нафар мансабдор шахсдан етказилган 2,9 миллион сўмдан ортиқ маънавий зарар ва 7,8 миллион сўмдан ортиқ моддий зарар ундирилди.

Мисол учун, суд қарорига биноан "4-қурилиш трести" ОАЖдан 218 нафар ишчига иш ҳақини тўлаш учун 46 миллион сўмдан ортиқ, "Мотор заводи" ОАЖдан 76 нафар ишчига тўлаш учун 20 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақлари тўланиши таъминланган.

Шунингдек, маънавий зарарни қоплаш мақсадида суд қарорлари билан "Саноатэнергиямонтаж" ОАЖдан фуқаролар Г.Энверова, Х.Бурхонов, Б.Аламов, О.Кислицина ва бошқалар фойдасига 289 минг сўм ундирилди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда тадбиркорлик соҳаси вакилларининг ҳиссаси каттадир. Шу муносабат билан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларни муаммосиз рўйхатдан ўтказиш, ҳисобга олиш бўйича ишлар адлия органларининг доимий эътиборидадир. Адлия органлари томонидан ўтган давр мобайнида 11543 нафар юридик шахс давлат реестрига киритилди, 2008 йилда қарийб 453 нафар юридик шахс давлат рўйхатидан ўтди.

Тадбиркорларни рағбатлантиришга қаратилган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини қайта тиклаш ва турли ноқонуний хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Бу борада юзага келадиган муаммо ва тўсиқларнинг ўз вақтида олдини олиш мақсадида адлия органларининг ишонч телефонлари ташкил этилди. 2008 йилда тадбиркорлардан ушбу телефонлар орқали 2262 та мурожаат келиб тушди, уларнинг 1294 таси қаноатлантирилди.

Ўтган йили жойларда адлия ходимлари томонидан ўтказилган 7 мингдан ортиқ текширув натижасида 187 мингта ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди.

Хусусан, тадбиркорларни рўйхатга олиш борасида 2335та, банк соҳасида 8079та, солиққа тортиш борасида 861та, лицензия ва бошқа рухсатномалар бериш юзасидан 3997та, рухсат этилмаган текширув ўтказиш (56) ва текширув тартибини бузганлик бўйича 748та, ер ажратишда 1215та, шартнома тузиш ва уларнинг ижросини таъминлашга оид 122041та, бошқа соҳаларда 47755 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қайд этилди.

Ҳуқуқбузарликларни содир этган айбдор шахсларга нисбатан қатъий жазо чоралари кўрилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари, хусусий мулк эгалари, хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналарнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида адлия органлари томонидан 2069 та тақдимнома, 1472 та огоҳлантириш ва 325 та кўрсатма киритилди. Ушбу таъсир кўрсатиш чоралари натижасида 2819 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, шу жумладан, 181 нафар шахс эгаллаб турган лавозимидан озод қилинди. Кўрилган чора-тадбирлар якунлари бўйича давлат бошқарув органларининг тадбиркорларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларига тўсқинлик қилувчи 548 та ноқонуний қарори бекор қилинди ҳамда тўхтатилди. Бундан ташқари, тадбиркорлар ҳуқуқларини қайта тиклаш мақсадида судларга қиймати 16,5 миллиард сўмга тенг 2823 та даъво аризаси тақдим этилди, улардан қиймати 13,9 миллиард сўмга тенг 2205 та даъво аризалар судлар томонидан қаноатлантирилди.

Адлия органларига хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналардан 505 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 350 таси (69,3 фоизи) қаноатлантирилди, 97 таси бўйича ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Хорижий инвесторлар ва чет эл инвестицияси иштирокида тузилган корхоналар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида 275 та тақдимнома ва 111 та таклиф киритилди. Натижада, 244 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди, тегишли органларга 48 нафар шахсни маъмурий жавобгарликка, 3 нафар шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритилди. 576 нафар мансабдор шахс бундан буён қонун талабларининг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришда қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида адлия органлари шартномалар тузиш, ер ажратишда бевосита иштирок этишмоқда, тадбиркорлик субъектлари, асосан фермер хўжаликларига ҳуқуқий маслаҳат берилмоқда. Жумладан, адлия органлари ходимлари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ва тайёрловчи, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида 1 миллион 160 мингдан ортиқ шартнома тузишда иштирок этди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги шартнома муносабатларини такомиллаштириш, шартнома интизомини суд тартибида мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича судларга қиймати 79 миллиард сўмдан ортиқ 36600 дан ортиқ даъво аризаси тақдим этилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар, чунончи, давлат эҳтиёжлари учун 2008 йилги ҳосилдан бошоқли дон сотиб олиш бўйича шартномаларни бажармаган фермер хўжаликларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратураси ва Олий хўжалик судининг қўшма кўрсатмасига мувофиқ кўрилган чоралар натижасида фермер хўжаликлари дон корхоналарига натура шаклида 94044 тонна ғалла топширди, 1 миллиард 812 миллион сўмга тенг зарар ихтиёрий қоплашга эришилди.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини юритиш бўйича самарали фаолият кўрсатмоқда.

Бу борада Адлия вазирлигининг қонун лойиҳаларини тайёрлаш фаолияти муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Вазирликнинг қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш борасидаги роли **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонун билан белгиланади. Ушбу Қонун нормаларига мувофиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Адлия вазирлиги томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказилиши лозим.

Шу муносабат билан Адлия вазирлиги мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳнамолигида, айниқса, суд-ҳуқуқ ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда иштирок этадиган орган ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимияти нуфузини мустаҳкамлаш, судлар мустақиллигини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини қуришда уларнинг ролини кучайтириш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Судларни жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишларига ихтисослаштириш қонуний мустаҳкамланди ва бу ишларни кўриб чиқиш сифати оширилди. Ишларни аппеляция тартибида кўриб чиқишнинг жорий этилгани судда ишни кўриб чиқишда оворагарчиликларга йўл қўймасликнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Жиноий жазо сифатидаги ўлим жазоси бекор қилинди, "Хабеас корпус" институти жорий этилди. Суд жараёнида ҳимоячи ва айбловчи ҳуқуқларининг тенглиги, уларнинг тортишувлик принципини амалга оширишни таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар ташкил этилди.

Қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиётини либераллаштириш бўйича қайд этилган чоралар судгача тергов ишлари тезкорлиги ва сифатини ошириш, одил судловни амалга ошириш, суд жараёни иштирокчилари ҳуқуқларига риоя қилишнинг процессуал кафолатларини кенгайтиришни таъминлади.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги барча ижобий ўзгаришлар изчил ва босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, Адлия вазирлиги "Ёшлар йили" Давлат дастурига биноан қатор қонун, ҳукумат қарорлари, шунингдек, вазирликлар, идоралар ҳамда ташкилотларнинг қўшма буйруқ ва қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этди.

Жумладан, 2008 йилда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун жами 1142 та қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тақдим этилди ҳамда улар бўйича тегишли ҳуқуқий хулосалар берилди.

Шу билан бирга, вазирликка тақдим этилган қарийб 550 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг 255 таси давлат рўйхатидан ўтказилди, қолганлари амалдаги қонунчиликка мос келмагани сабабли рад этилди, айримлари техник ҳужжатлар сифатида эътироф этилди. Ўтган давр мобайнида давлат рўйхатидан ўтказилган мингдан ортиқ идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бугунги кун талаблари ва амалдаги қонун нормаларига жавоб бермаслиги аниқланди ҳамда улар давлат реестридан чиқарилди.

Шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 359 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат рўйхатидан ўтказилди 1222 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли ўзгартишлар киритилди.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш ҳамда давлат органларининг ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш Адлия вазирлиги фаолиятида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу масалага давлатимиз раҳбарининг **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонида ҳам алоҳида эътибор қаратилган эди. Ушбу Фармонга мувофиқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тасдиқланди. Мазкур дастурда Адлия вазирлиги зиммасига тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда 23 та тадбир ижросини таъминлаш вазифаси юклатилган эди ва ушбу вазифалар тўлиқ амалга оширилди.

Адлия вазирлиги томонидан 2008 йилда инсон ҳуқуқларини тушунтириш соҳасида республика бўйича 10991 та тарғибот ишлари ўтказилди, уларнинг 2003 таси оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлардир.

Республика аҳолиси билан 6 мингдан ортиқ учрашув ўтказилди. Инсон ҳуқуқларига бағишланган китоблар ва журналларнинг ташкил этилган кўчма кўргазмасида ўзбек, рус, инглиз, француз, немис ва бошқа тиллардаги 1000 дан ортиқ китоб намойиш этилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилинган жорий йилда қишлоқ аҳолиси манфаатларини тўлиқ таъминлашга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, шунингдек, ушбу йўналишдаги амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш вазирлик учун устувор вазифалар ҳисобланади. Зеро, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **"қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулкий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга".**

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган **"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури тўғрисида"**ги Қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги зиммасига юкланган вазифалар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида вазирликнинг соҳага оид дастури ишлаб чиқилди, унинг ҳар бир банди бўйича алоҳида масъул ижрочилар тайинланди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили"да қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ушбу қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланишини ўрганиш, кенг оммага уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш адлия органлари ходимларининг биринчи даражали вазифаси саналади. Ушбу вазифалар адлия органлари ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди ва улар шубҳасиз, ушбу йўналишдаги мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга ҳаракат қилади.

Равшан МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазири

Назар

Матбуот хизмати: у қай даражада омма билан алоқа ўрнатади?

ёхуд мамлакат ривожидаги муҳим институт аҳамияти

ҚАЙСИКИ соҳанинг илмий-назарий, ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам бўлса, амалда у илдизи бақувват дарахт янглиг кўкка бўй чўзади. Юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ жамоатчилик билан алоқалар соҳасида олиб борилаётган ишларни юқоридаги қиёсга менгзасак адашмаймиз.

ЮРТИМИЗ мустақилликка эришганидан сўнг ҳукумат, нодавлат ва бошқа турли ташкилотларнинг жамоатчилик билан алоқаларини йўлга қўйишга ва бу алоқаларни муттасил равишда мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. Ана шу мақсадда марказий муассасалар, вазирлик, қўмита ва идораларда матбуот хизматлари ташкил этилди.

Хизмат ишини тўғри ташкил этиш нуқтаи назаридан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 22 сентябрдаги **"Давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг жамоатчилик билан алоқаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Биргина Адлия вазирлиги мисолида гапирадиган бўлсак, айнан шу қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2006 йил 20 октябрдаги буйруғи билан вазирлик Ахборот хизмати ташкил этилди.

Ахборот хизматига ҳуқуқшунос-журналист кадрларнинг жалб қилинганлиги хизмат фаолиятининг тубдан такомиллашувига сабаб бўлди.

Жумладан, бевосита Ахборот хизмати ташаббуси билан 2008 йил давомида ҳамда жорий йилнинг шу кунига қадар марказий ОАВда **950 дан** ортиқ мақола ва хабарлар ёритилди, шунингдек, барча ҳудудий бошқармаларни жалб қилган ҳолда **40 га** яқин семинар, давра суҳбатлари ва матбуот анжуманлари ташкил этилди.

Шунингдек, вазирлик томонидан **"Адлия идоралари ОАВ нигоҳида"** номли республика кўрик-танлови ўтказилиб 2008 йилда унинг ғолиблари тақдирланди ва 2009 йилда ушбу кўрик танловни давом эттиришга ҳамда унинг кўламини кенгайтиришга келишиб олинди.

Бундан ташқари, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини янада юксалтиришга қаратилган бир неча радио ва видеороликлар тайёрланиб, барча давлат ва нодавлат телерадиоканаллар орқали эфирга узатилди ва узатилмоқда.

Мазкур мисолларнинг ўзиёқ жамоатчилик билан алоқани мустаҳкамлашда бевосита ихтисослашган журналист кадрларни жалб қилиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Демак, Матбуот хизматларининг қай даражада фаолият кўрсатиши, албатта, унинг ташкилотчилари ва ходимларига ҳам бевосита боғлиқ эканлигини эътироф этишимиз лозим.

Аммо, биз бу натижалар билан чекланиб қолмасдан, жаҳондаги илғор тажрибаларни етарли даражада ўзлаштиришимиз соҳанинг ривожини янада таъминлайди.

Ривожланган давлатлар тажрибасидан олиб қарайдиган бўлсак, матбуот хизмати ва матбуот котиби вазифаларини алоҳида шахслар амалга оширади. Масалан, матбуот котиблари ташкилот раҳбари ёнида юриб унинг жамоатчилик олдида чиқишларини ташкил этади. Матбуот хизматлари эса бутун мавжуд жараённи таҳлил этиб, мониторинг олиб боради. Раҳбар фаолияти юзасидан умумлашган ахборот тизими ва омма учун маълумотлар бериб боради.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, жаҳон амалиётида ахборот хизматлари деб эмас, балки матбуот хизматлари деб юритилади ҳамда матбуот хизматлари маълум бир муддатга жорий этилади. Масалан, сайлов жараёнларида марказий сайлов комиссияларидаги матбуот хизматлари фаолиятларини бунга мисол қилиб келтириш мумкин.

Демак, хизмат номланишига ҳам аниқлик киритиб олишимиз лозим.

Мазкур институт фаолиятини такомиллаштириш учун қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

— Ўзбекистон Миллий Университетининг Журналистика факультетида Матбуот хизматлари кафедрасини жорий этиш;

— Олий журналистика мактабида тажрибага эга бўлган матбуот котиблари иштирокида маҳорат мактаблари ёхуд шунга ўхшаш бўлимлар ташкил этиш;

— Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида муайян вақтда матбуот хизматлари раҳбарларини тайёрлашни йўлга қўйиш;

— Жаҳон амалиётидаги тажрибаларни қўллаш мақсадида ривожланган давлатларнинг бу йўналишдаги институтлари билан яқин алоқалар ўрнатиш;

— Мабуот котиблари клуби фаолиятини қайтадан кўриб чиқиш ва унинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш.

Барчамизга маълумки, ривожланган мамлакатларда давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолиятлари, жамоатчилик билан алоқалар асосида ташкил этилади. Бизда ҳам бу институт кундан кунга ривожланиб бормоқда. Испан файласуфи ва публицисти Ортега Гассетнинг фикрига кўра, «Дунёни жамоатчилик фикри бошқаради».

Шундай экан, юртимизда ҳам бугунги кунда жамоатчилик билан алоқалар масаласи тўла ижтимоий воқеликка айланмоқда.

Тўрабек ТЎРАЕВ,
Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари

Тизим тадбирлари

Ўқув машғулоти

АДЛИЯ ВАЗИРИ тасдиқлаган "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат ҳисобини юритиш ишлари юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳамда ҳудудий адлия бошқармаларида ўтказиладиган ўқув-машғулотлари режаси" асосида барча вилоятларда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

ЯҚИНДА Фарғона вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам шундай ўқув-машғулоти ўтказилди. Унда асосий эътибор маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-хусусиятга эга бўлган қарорлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва қабул қилиш, қонун ҳужжатларининг туркумлаштирилган ҳисобини юритиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат ҳисобини юритишни тўғри йўлга қўйиш, мазкур масалаларда вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилиш йўл-йўриқларига қаратилди.

Шоҳистахон КАРИМОВА,
Фарғона вилояти адлия бошқармаси ходими

Қизиқарли ўтди

"АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ аппарати ҳамда ҳудудий адлия органлари ходимлари томонидан 2009 йил давомида бошқа идоралар билан ҳамкорликда қишлоқ аҳолиси ва ёшлари ўртасида ўтказиладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирлари" режасига мувофиқ жойларда учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил этилмоқда.

ЯҚИНДА Когон туманидаги "Янги ҳаёт" қишлоқ фуқаролар йиғинида **"Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари"** мавзуида қизиқарли учрашув бўлиб ўтди. Унда Адлия вазирлиги, Бухоро вилояти адлия бошқармаси, "Камолот" ЁИҲ вакиллари қатнашиб, йиғилганларга мавзуга доир ҳуқуқий сабоқ беришди.

Когон туманидаги 1-сонли иқтидорли болалар мактаб-интернати жамоаси ва ўқувчилари билан Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 13 октябрдаги **"Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида"**ги қарорининг мазмун-моҳиятига бағишланган жонли мулоқот ҳам қизғин тарзда ўтди. Туман ички ишлар бўлими ва ФҲДЁ бўлими масъул ходимлари, нотариуслар иштирок этган ушбу тадбир ўқитувчилар ва ўқувчиларда катта таассурот уйғотди.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

Шаън ва қадр-қиммат

ЮРИСТЛАР МАЛАКАСИНИ ошириш марказида бўлиб ўтган давра суҳбатида инсон шаъни ва қадр-қиммати ҳақида сўз борди.

ДАВЛАТИМИЗДА шаън, қадр-қиммат, ҳуқуқ ва эркинликлар ҳамда қонуний манфаатлари олий қадрият сифатида Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилгани, унга амал қилиб келинаётганлиги ҳаётий мисоллар билан изоҳлаб берилди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясининг кафолати сифатида давлатимиз 60 дан ошиқ халқаро конвенцияларга, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро Пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро Пакт, Ирқий камситишларнинг барча шаклини тугатиш тўғрисидаги халқаро Конвенция, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция, Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ, шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенция каби бир қатор халқаро ҳужжатларга қўшилганлиги ва уларнинг миллий қонунчилигимизга имплементация қилинганлигига эътибор қаратилди.

Дилафрўз УМАРОВА,
Юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири ассистенти

Кўргазмали воситалар ёрдамида

ТОШКЕНТ ЮРИДИК КОЛЛЕЖИДА "ОИВ ва ОИТС касалликларини келтириб чиқарувчи омиллар ва асоратлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Давра суҳбати давомида 40 дан ошиқ кўргазмали воситалар намойиш этилди ва иштирокчиларга касаллик сабабчилари ҳамда унинг оғир асоратлари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

— ЁШЛАР тарбияси ўта долзарб масала бўлиб, оила ва жамият келажаги айнан бугунги олиб борилаётган умуммиллий дастурларимизнинг нечоғлик натижаларига ҳам боғлиқдир, — деди давра суҳбатини олиб борган Тошкент шаҳар Наркология диспансери шифокори Н.Абдуллаева.

Давра суҳбати қизғин тарзда ўтди. Ёшларнинг барча қизиққан саволларига олий тоифали мутахассис илмий асосланган ва ҳар томонлама ҳаётий жавоб берди.

Гулнора ОЧИЛОВА,
Тошкент юридик коллежи бўлим бошлиғи

Мозийга нигоҳ

Зулум булутлари

истиқлолимизга қадар халқимиз бошига ёққан маломатлар хусусида эпизодлар

БУГУНГИ ёруғ кунларимиз қадри, шундай дориломон замонга етиб келгунча миллатимиз бошидан ўтган қора кунлар, албатта, фарзандларимиз учун чўпчакдек туюлиши, ҳеч бўлмаганда улар онгу шуурини биз – ўша даврни кўрган, дарду ситамларини бошидан кечирган авлодникичалик ўртамаслиги мумкин. Хусусан, мустабид тузум умри оёқлаётган маҳалларда миллатимиз шаънига, қадр-қимматига қаратилган бўҳтону уйдирмалар ҳали ҳануз киши қалбини азобга солади.

АЙНАН ЎША йиллари собиқ марказ томонидан кампания-бозликка айлантирилиб, "пахта иши", "ўзбеклар иши" дея тус берилган қатағон сиёсати кўплаб миллатдошларимизнинг ёстиғини қуритди, оилаларини пароканда қилди. Шукрки, истиқлол туфайли халқимизнинг эгилган боши яна ростланди.

Ўзим гувоҳи бўлган қуйидаги хотираларни қоғозга тушириб, сизга ҳавола қилишдан мақсад — ёшларимиз бугунги дориломон кунларга не бир азоблар эвазига эришганимизни чуқурроқ англасин, ватанимизни, истиқлолимизни асрашда собитқадам бўлсин.

1

... 1990 йил 26 октябрда республика Олий суди ва прокуратурасининг кўчма ҳайъат йиғилиши "пахта иши" бўйича энг кўп жабр кўрган туман (110 киши қамалган) Чироқчида ўтказиладиган бўлди.

Чироқчидан сайланган депутат ҳамда кўчма ҳайъат йиғилишини ёритувчи тележурналист сифатида мен ҳам бу тадбирда иштирок этадиган бўлдим. 26 октябрь эрталаб "Тошкент—Шаҳрисабз" йўналиши бўйича махсус самолётда ўттиз кишилик гуруҳ билан Чироқчига йўл олдик. Самолёт салонининг ўнг томонида ўша пайтдаги Олий суд раисининг биринчи ўринбосари бошчилигида "оқловчи"лар, чап тарафда Бош прокурор собиқ ўринбосари бошчилигидаги "қораловчи"лар гуруҳи жой олганди.

Шаҳрисабзга етиб боргунимизча бир-биримизга ёвқараш қилиб кетдик.

Самолётдан тушгач, эрталаб соат 9 да махсус машинада Чироқчи тумани партия қўмитаси биносига йўл олдик. Меҳмонларни биринчи котиб Рашид Норбўтаев бошчилигидаги туман раҳбарлари кутиб олишди. Кун тартибини республика Бош прокурорининг ўша пайтдаги ўринбосари белгилади: у чироқчилик жабрдийдалар рўйхатини қўлга олиб, улардан туман маркази ва унинг атрофида яшовчи 3 нафар фуқарони саралаб, уларнинг яшаш шароитини ўрганадиган бўлдик. Ишни Андижон пахтачилик институтини тамомлагач, Чироқчи пахта тозалаш заводида атиги тўрт ой ишламасдан қамоққа олинган Неъмат Шукуров, Охунбобоев жамоа хўжалигининг собиқ бош бухгалтери Йўлдош Бозоров, Файзулла Хўжаев жамоа хўжалигининг собиқ директори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Муродилла Обиддиновларнинг яшаш шароитини ўрганишдан бошладик.

2

Биринчи текширув Неъматнинг уйидан бошланди. У жойлашган эски ҳовлида (атиги 4 сотиҳ) икки келини билан яшар экан. Тўрт хоналиқ уйчаларда одам диққатини тортадиган деярли ҳеч нарса кўзга ташланмасди. Хоналаридан биттаси лиқ тўла китоб.

Собиқ прокурор В.Донцев ва унинг гуруҳи собиқ директорга ҳеч қандай далда беролмай жимгина изига қайтишди.

Собиқ бош бухгалтер уйидаги ҳангомалар ҳаммасидан ошиб тушди. Йўлдошнинг онаси Қурбон момо икки невараси билан том устини суваш учун қазилган лойҳандак бошида ўтирган экан. У лой қўллари билан Бош прокурор муовини ёқасига ёпишди.

— Уйимдан икки кундан буён чакки томиб ётибди. Ўғлимни қачон озод қиласан? Илоё, галстук таққан бўйнинг узилсин...

Йиртиқ иштон кийиб олган 2 тадан ит сақлайди... Бош прокурор ўринбосари бу ҳолатни билгач, тошдек қотиб қолди. Сўнг ерга қараганча шундай деди:

— Менимча, у ерларга боришимизга ҳожат йўқ. Қолган масалалар Олий суд ҳайъатининг йиғилишида ойдинлашади.

Йиғилиш соат 12:00 да бошланадиган бўлди.

3

Қизғин баҳс-мунозараларда республика прокуратураси вакиллари ҳам Олий суд ҳайъати қарорини маъқуллашди. Фақат В.Донцев Чироқчининг собиқ биринчи котиби Толмас Тиллаевнинг тўла оқланишига эътироз билдирди. 30 дан ортиқ чироқчилик уруш ва меҳнат фахрийсининг Т.Тиллаевни оқлаш тўғрисидаги илтимосномаси, унинг касаллик варақаси, деярли барча собиқ фанлари номзоди бўлишди. Ҳар иккаласи кўп фарзандли оила бошлиқлари эди. Иккаласи ҳам тинч, осойишта пойтахтда яшайвериши мумкин эди. Бироқ 70-80-йиллардаги Чироқчининг ташаббускор раҳбари Толмас Тиллаевнинг илтимоси, юрт туйғуси ҳамда илмий ишларини ҳаётга татбиқ этиш орзуси уларни 1980 йили туғилган юрти сари отлантирди.

Т.Тиллаев тавсияси билан улар иккита қолоқ хўжалик: Файзулла Хўжаев ва "Чорвадор"га раҳбарлик қила бошлашди. Улар бор-йўғи 3-4 йил хўжалик раҳбари бўлиб ишладилар. 1985 йилга келиб "пахта иши" қурбони бўлиб қамоққа олинди...

Оқлов ҳужжатини қўлга киритган баъзи ҳамюртларимнинг бундан кейинги қисмати ҳам силлиқ кечмади. Келинг, шулардан бири Чироқчида 10 йил биринчи раҳбар бўлиб ишлаган, йигитлик даврининг айни қаймоқ даврини биз бугун кўриб турган Чироқчини обод қилишга сарфлаган инсон Толмас Тиллаев тақдири ҳақида қисқача ҳикоя қилай.

Маълумотига кўра юрист ва агроном Т.Тиллаев ўз юртига келгунча 7 йил қўшни Яккабоғ туманида прокурор, маълум вақт Қашқадарё вилояти партия қўмитасида маъмурий органлар бўлими мудири вазифасида ишлаганди. 1974 йилда туман партия қўмитасининг биринчи котиблигига сайланганида энди 37 баҳорни қаршилагандаги Ўн йиллик меҳнат ғайрат-шижоатга тўла ўтди.

1985 йилнинг бошлари. Чироқчида қатағон тизимининг совуқ шабадаси эса бошлади. Гдлян ва унинг югурдаклари қамровни кенгроқ олиш пайида бўлдилар. Аввал туманда энг катта бўлиб ишлаганни илинтирсак, буёғи "гаҳ" деса қўлга қўнади, деган ўзига хос ҳийла эди бу. Лекин баҳона зарур. Ўйлаб-ўйлаб униям топишди: Т.Тиллаев уйида совуқ қурол сақлаганлиги учун ҳибсга олинсин.

Қизиғи шундаки, Т.Тиллаевнинг уйидан чиққан "совуқ қурол" эсдаликка олинган оддийгина қилич эди. Хуллас, туманнинг қоқ марказида собиқ саркотибни машинага босиб олиб кетишди.

1990 йил 26 октябрда Т.Тиллаев Ўзбекистон Олий суди ҳайъатининг қарорига кўра, тўла оқланди. В.Донцев минглаб чироқчиликлар олдида сўзга чиқиб, собиқ прокурор ва райкомга ноҳақ жабр беришгани учун республика прокуратураси номидан узр сўради. Ҳамма бу гапни адолатнинг тўла тантанаси сифатида қабул қилди.

заводга қарашли бир хонали ётоқхонада яшар экан. Ҳали фарзанд кўрмаган хотини ва бир кўзи ожиз онаси бизни дод-фарёд билан қарши олди. Чунки у ҳали қамоқдан қайтмаган экан. Уйда на телевизор, на музлатгич бор. Кўрпа-ёстиқлар сандиқ устига тахланган. Ўртага битта хонтахта қўйилган. Барча жараёнлар телелентага муҳрланди. Собиқ прокурор одам тугул, ҳайвон яшашга ор қиладиган аҳволдан таъсирланиб, унинг уйи остонасидан бир мўралаб, ичкарига киришга журъат этмади.

Собиқ директор М.Обиддинов ҳаммомнинг биқинида неваралари қўлига илинган нарсани уларнинг шериклари томон улоқтирди. Улар бир амаллаб қочиб қолишди.

Ноҳақ жабр кўрганларнинг аксарияти Чироқчининг дашт зонасида яшашади. У ерга махсус тайёргарлик билан боришимизга тўғри келди. Ичимлик суви 30-40 метр чуқурликдан эшак билан махсус идишда олинади. Шўр бўлгани учун уни барибир ичиб бўлмайди. Масофа ҳам анчагина узоқ. "Қўқдала" биз турган жойдан 60, "Шўрқудуқ" эса 110 километр олисда. Қишлоқларда девор йўқлиги боис, улар мол ўғриларидан қўрқиб, ҳар бир хонадон хўжалик раҳбарларининг "бизни қўшиб ёзишга мажбур қилган Т.Тиллаев эмас, марказдан келган вакил" деган мазмундаги "Тушунтириш хатлари" асосида собиқ биринчи котиб номи ҳам оқланганлар рўйхатига киритилди...

4

Шу куни соат 5 да минг кишилик залда 110 нафар чироқчилик тақдирини оқлаш ҳақидаги қарор ўқиб эшиттирилди. Ўша дақиқаларда дилимда оз бўлса-да, таскин туғилгандай бўлди. Шахсан мен жабрланганларнинг барчасини яхши танирдим. Уларнинг кўпчилиги ҳалол меҳнати, ташкилотчилик лаёқати билан элда обрў топган кишилар эди.

Шу баҳонада ҳаёт йўли, тақдири бир-бирига жуда ўхшаш икки инсон ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Файзулла Хўжаев номли совхознинг собиқ директори Муродилла Обиддинов, "Чорвадор" совхозининг собиқ директори Тўлқин Ниёзов иккаласи ҳам Чироқчи фарзанди, иккаласи ҳам 60-йилларда қишлоқ хўжалик институтида таълим олишган. Сўнгра сиртдан аспирантурада ўқиб бир неча йил талабаларга дарс беришди. 70-йилларнинг охирида кетма-кет қишлоқ хўжалик

Ўрол ЎТАЕВ,
журналист

ҲОЗИРГИ ЗАМОН тараққиёти ҳар бир шахсдан жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида фаол бўлишни тақозо этмоқда. Маълумки, шахснинг ижтимоий, эмоционал, ҳулқий ва бошқа сифатлари, инсоний фазилатлари оилада шаклланади.

КЕЛАЖАГИМИЗ биз тарбиялаётган ёшларга боғлиқлиги ота-оналарга янада масъулият юклаб, оиланинг нечоғли аҳамият касб этишини ҳам англатиб туради. Бинобарин, оила жамиятнинг бошланғич ижтимоий бўғини сифатида нафақат

Таълим ва шахс

Инсон ҳуқуқлари кафолатлари

ҳар бир инсоннинг фаровон турмуши, қадр-қиммати учун хизмат қилади

МАМЛАКАТИМИЗДА барпо этилаётган фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг бош мақсади — инсон ҳуқуқларини янада кенгайтириш, бу ҳуқуқлар кафолатларини мустаҳкамлашдан иборатдир. Ушбу мақсаднинг амалга оширилишида, аввало, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий онгини ва ўз ҳақ-ҳуқуқларини қай даражада чуқур англаб етиши ҳамда фаол ҳимоя қилиши катта аҳамиятга эгадир.

Шуни таъкидлаш жоизки, давлатимизда инсоннинг улуғлиги, қолаверса, унинг ҳаёти ва шахсий эркинлиги, жамиятда тутган ўрни, фаровон турмуши ва албатта, бутунлай дахлсизлиги тўлиқ кафолатланган.

Фуқаролик жамиятида ҳар бир инсон ўз фаоллигини намоён этиш орқали ўз ўрнини топишга интилади. Шундай интилишлар давомида инсон ҳуқуқий эркинликлардан фойдаланишга эҳтиёж сезади. Албатта, давлатимиз томонидан мана шундай эҳтиёжларнинг тўла қондирилиши ва ҳаётда учраб турадиган айрим муаммоларнинг ҳал этилишига кенг йўл очиб берилмоқда.

Бунга мисол сифатида Конституциямизнинг 41-моддасида белгиланган ҳар ким билим олиш, бепул умумий таълим олиш, мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги сингари кафолатларни келтириш мумкин.

Билим олиш ҳуқуқи "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"да ҳам ифодаланган бўлиб, унинг 26-моддасида: **"Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда, бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиши керак. Техник ва касб-ҳунар таълими ҳаммага очиқ бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун тенг имконият доирасида бўлмоғи керак.**

Таълим инсон шахсини тўла баркамол қилишга ва инсон ҳуқуқлари ҳамда асосий эркинликларига нисбатан ҳурматни кучайтиришга қаратилмоғи лозим", деб қайд этилган.

Инсон ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган ушбу қонун ҳужжатлари ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқий манфаатини ўзида мужассам этган ҳамда шу мақаддас ўлкада яшаётган ҳар бир инсоннинг гўзал ҳаёти, фаровон турмуши, инсоний қадр-қиммати учун хизмат қилади.

Шафиқ САИДОВ,
Камрон РАСУЛОВ,
ТДЮИ талабалари

Ёруғ бекат

Оилавий тарбия

шахсни жамиятга, ҳаётга тайёрловчи мустаҳкам ва таъсирчан омил

оила аъзоларининг эҳтиёжи ва қобилияти, мақсадларига тааллуқли, балки тарбиявий фаолиятини ҳам акс эттиради.

Оилавий тарбиянинг ўзига хослиги шундаки, у шахснинг умумий ва ҳиссий ривожланишини таъминлаш билан бирга унинг мавжуд имкониятларини ва ахлоқий камолотини ҳам ўстиради. Оилавий тарбиянинг доимо мавжудлиги, кўрсатмалилиги ва таъсирчанлиги ҳам муҳим омил саналади. Болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш ҳамда хонадон аъзоларининг яшаш тарзи, маънавий муҳит, ота-оналарнинг ўзини тутиши, хулқ-атвори ҳатто касб-кори ҳам тарбиявий восита ролини ўйнайди.

Оила аъзоларининг турмуш ва ҳаётий тажрибалари, маданий савиялари қанчалик бой бўлса, улар болалар билан шу даражада яхши мулоқотда бўла оладди, болаларнинг қизиқишлари ҳам ўсади. Ёшларнинг жисмонан соғлом, ахлоқан пок, меҳнатсевар ва маданиятли бўлиб вояга етишидан жамият манфаатдорлиги ортади.

Албатта, ҳар бир оила ўзига хос бир олам, тарбия ишида ҳам ўзига хос хусусиятларни намоён қилади. Шунинг учун оилавий тарбиянинг шакл ва услубларини умумлаштириш, унга бирон-бир тавсиялар бериш қийин. Ҳар бир оила бошлиқлари фақат маслаҳат бериш, маъқуллаш, мукофотлаш, жазолаш, суҳбат ва фикр алмашиш билан чекланмасдан, балки шахсий намуналари, болалари билан биргаликда ишлаш, уларни меҳнат фаолиятига тортиш орқали ҳам тарбиялайдилар. Бир неча фарзанди бўлган оилада ота-оналарининг ғамхўрликлари тенг тақсимланган бўлади. Катта оилада бола ёшлигидан жамоага мослашади. Ўзаро алоқалар асосида тажриба тўплайди. Оилавий ҳаёт болаларни инсоний муносабатларда ўз шахсини камол топтириш имкониятини беради.

Болани тўғри тарбиялаш, унинг ўз дунёқарашига, хулқ-атворига эга бўлишга, жамоа орасида ўзини тута билишига тайёрловчи омилдир. Инсоннинг ўзига хос фазилатлари, маънавий қиёфаси аввало шу мақаддас даргоҳда шаклланади. Ўғил-қизларнинг интилувчан, тиришқоқ ва меҳнатсевар бўлиши оила ва ундаги тарбиявий муҳитга боғлиқдир.

Оиланинг туб мақсадларидан бири болаларни умуминсоний хулқ мезонларига риоя қилган ҳолда уларни меҳнатга ўргатиш, ҳаётга тайёрлашдан иборат.

Муҳаббат НОРҚОБИЛОВА,
II республика Тиббиёт коллежи ўқитувчиси

ҲАҚИҚИЙ ДЕҲҚОН кузнинг қандай келишини йилнинг бошланишидан билади. Уларнинг айтишича, бу йилги ғалла хирмонимиз янада юксалади.

Назорат

Эл эккани элга бўлсин

ТУМАНИМИЗДА 2009 йил ҳосили учун **14650** гектар майдонга ғалла экилди. Бу йил пахтачиликка ихтисослашган фермерларимиз **11250** гектар майдонга "барака уруғи"ни қадашни режалаштирган. Туман прокуратураси мавжуд **383** та фермер хўжалиги раҳбарлари билан тез-тез мулоқотда бўлиб туришади.

Энг асосийси, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни яхши йўлга қўйганмиз. Куннинг хоҳлаган вақти мурожаат қилишлари учун имконият яратилган.

Туман прокуратураси томонидан Президентимизнинг **"Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда прокуратура мутахассислари билан ҳамкорликда тумандаги МТП АЖ фаолияти текширилганда "Кейс" ғалла ўриш комбайни оператори А.Тўрабековнинг транспортга лоқайдлиги маълум бўлди. Текширишда **27600** сўмлик эҳтиёт қисмлар йўқлиги аниқланди. шундай техника воситаларига масъул М.Рўзиев, С.Мустаҳимов, Н.Болибековлар ҳам ўз ишларига масъулиятсиз эканлиги текширишда аниқланди.

Тумандаги МТП АЖ жами **218.400** сўмлик эҳтиёт қисмлардан камомадга йўл қўйган. МТП АЖ раиси А.Очилов қонунбузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди.

Минерал ўғитлар ҳосилдорликнинг юқори бўлишида муҳим омил эканлигини деҳқонларимиз яхши билишади. Ўз вақтида берилган минерал ўғит ерга малҳам бўлади. Ҳашоратлар кўпайишига йўл қўймайди. Бироқ, туманда "Қишлоқхўжаликкимё" АЖдаги мансабдор шахслар буни била туриб, минерал ўғитларни талон-торож қилган.

Жумладан, Р.Казаков "Қишлоқхўжаликкимё" АЖнинг туман филиалида марказий омбор мудири лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўлгани ҳолда, мансаб мавқеидан қасддан фойдаланиб, филиалнинг собиқ мудири Нурпўлат Исмоилов билан ўзаро жиноий тил бириктириб, минерал ўғитдан мўмай даромад орттирмоқчи бўлишади. Ўзининг ихтиёрида бўлган 3 турдаги, яъни, "Кормабид" минерал ўғитидан **88.7** тонна – қиймати 24.499 минг сўмлик, "Аммофос"дан **145.4** тонна – қиймати **52.871** минг сўмлик ва "Компос" ўғитидан 6502.7 тонна — қиймати 78.334.2 минг сўмлик жами **155.704.4** минг сўмлик минерал ўғитларни ўзлаштириш ва растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганликлари натижасида филиал манфаатига кўп миқдорда зарар етказган.

Ушбу ҳолат юзасидан "Қишлоқхўжаликкимё" АЖнинг Арнасой тумани филиали собиқ раиси Н.Исмоилов ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан Жиноят кодексининг 205-моддаси, 2-қисми, "а" бандлари ва 167-моддаси, 3-қисми, "а", "в" бандлари билан жиноят иши қўзғатилди.

Аниқланган ҳолатлар бўйича "Қишлоқхўжаликкимё" АЖнинг Арнасой тумани филиали собиқ раиси Н.Исмоилов ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан жиноят иши қўзғатилган.

Баҳор келди. Деҳқон учун ҳақиқий меҳнат мавсуми бошланди. Вақт эса кутиб турмайди. Техникасини баҳорги мавсумга пухта тайёрлаган деҳқон хирмонининг "чўғ"и баланд бўлади.

Дилшод БОЙНАЗАРОВ,
Арнасой тумани прокурори

Сабоқ

Мерос кимга қолади?

Ворисликка оид нотариал ҳаракатлар

ВОРИСЛИККА доир нотариал ҳаракатлар васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Васият мавжуд бўлмаса ёки бутун мероснинг тақдирини белгиламаса, шунингдек, Фуқаролик кодексида белгиланган бошқа ҳолларда қонун бўйича ворислик қўлланилади ва меросхўрлар ворисликка Фуқаролик кодексининг 1135-1141-моддаларида назарда тутилган навбат тартибида чақирилади.

МЕРОС олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан сўнг берилади.

Мерос олиш тўғрисидаги гувоҳнома меросни қабул қилиб олган меросхўрлар, яъни мерос мулкини эгаллашга амалда киришган ёки нотариал идорага меросни қабул қилиб олиш тўғрисида ариза топширганларгагина берилади.

Давлат нотариуси қонунга биноан мерос ҳуқуқи гувоҳномасини бериш вақтида мерос қолдирувчининг вафот этганлиги ҳолатини, мерос очилган вақт ва жойини гувоҳнома беришни сўраб ариза берган шахсларнинг мерос қолдирувчи билан қариндошлик ёки бошқа муносабатлари мавжудлигини, мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома берилаётган мол-мулкнинг таркиби ҳамда турар жойини аниқлайди. Бу ҳолатларнинг тасдиғи сифатида меросхўрлардан тегишли далил-исботлар талаб қилинади.

Меросхўрларнинг мерос қолдирувчи билан қариндош-уруғчилик муносабати тўғрисида қуйидагилар далолат беради:

- ФҲДЁ идоралари гувоҳномалари;
- фуқаролик ҳолати ҳақидаги ёзувлардан кўчирмалар;
- суднинг қариндошуруғчилик ёки бошқа муносабатлари мавжудлиги ҳолатларини тасдиқловчи қонуний кучга кирган қарорлари нусхалари.

Агар ўзини мерос қолдирувчининг қарамоғида бўлган деб ҳисоблаган шахс қонун бўйича мерос олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома берилишини сўраган тақдирда, давлат нотариуси бу шахс мерос қолдирувчининг қарамоғида у билан камида бир йил давомида бўлганлиги, шунингдек, мерос очилгунга қадар бу шахс меҳнат қобилиятига эга бўлмаганлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Давлат нотариуси васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беришида мерос қолдирувчининг вафот этганлиги фактини васиятнома мавжудлигини, мерос очилган вақт ва жойни, гувоҳнома берилаётган мерос мулкининг таркиби ва турар жойини текширади, меросдан, албатта, ҳисса олиш керак бўлган шахслар доирасини аниқлайди, шунингдек, васиятномани тасдиқлаган нотариал идорасидан у бекор қилинмаганлигини текширади.

Васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш чоғида васиятноманинг меросхўр тақдим қилган ҳақиқий нусхаси ёки дубликати давлат нотариал идорасида қолади. Мерос олувчининг истагига мувофиқ васиятнома бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномада васиятноманинг нотариал гувоҳлантирилган нусхаси ёки дубликати қўшиб берилади.

Агар мерос мулки таркибига уй-жой, квартира, корхона ва бошқа кўчмас мулк кирган бўлса давлат нотариуси ушбу кўчмас мулкнинг мерос қолдирувчига тегишлилигини тасдиқловчи эгалик ҳуқуқини белгиловчи ҳужжатни, Ер мулк кадастри маълумотномасини тақдим этишини талаб қилади. Шунингдек, кўчмас мулк жойлашган ердан давлат нотариал идораси ҳужжатлари бўйича мазкур кўчмас мулкни тасарруф этиш тақиқ ёки арестда йўқлигини аниқлайди.

Агар уйга суд ёки тергов идоралари томонидан тақиқ солинган бўлса, мерос олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш тақиқ олиб ташлангунга қадар тўхтатилиб турилади.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома барча меросхўрларга биргаликда ёки уларнинг хоҳишига кўра, ҳар бирига алоҳида берилиши мумкин.

Давлат нотариуси вояга етмаган ёки муомала лаёқатига эга бўлмаган меросхўрларга меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома берилганлиги ҳақида турар жойи бўйича уларнинг мулкий манфаатларини муҳофаза қилиш мақсадида ҳомийлик ва васийлик идорасига хабар беради, яъни шу гувоҳноманинг бир нусхасини юборади.

Музаффар СОЛИЕВ,
ҳуқуқшунос

Эгалик ҳуқуқи

Қонунни билган қийналмайди

Афсуски жойлардаги айрим маъсул ходимлар ҳамон бу сўзнинг маъзини чақмаяптилар

— СЕНДА ўзи инсоф деган нарса йўқ экан. Мендек бир мўйсафидни бунча сарсон қиласан! Қишлоқ фуқоролар йиғини раиси, маҳалла оқсоқоллари ҳовли сизники, деб ҳужжат берди-ку! Сенга яна нима керак? – дея отахон нотариусга зарда қилди.

— ТЎҒРИ тушунинг, отахон, бундан қирқ йил муқаддам хўжалик умумий йиғилишининг қарори билан берилган уй-жой қонун нуқтаи назаридан сизнинг хусусий мулкингиз эмас, бунинг учун тегишли қонунлар асосида эгалик ҳуқуқини белгилайдиган ҳужжат олсангиз, ҳовлини набирангиз номига ўтказишингиз мумкин.

Отахон нотариусдан хафа бўлиб чиқиб кетди.

Майли, қарияни тушунса бўлади. Балки у белгиланган қонунларни мукаммал билмас. Бироқ буни жойлардаги масъул лавозимда ишлайдиган, айтайлик, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари ҳокимиятда ишлайдиган айрим масъул ходимлар ҳам тўлиқ билмасликлари аён бўлмоқда. Улар қонунни билмаганлари учун фуқороларни сарсон-саргардон қиладилар. Масалан, бугун қишлоқ жойлардаги тўқсон фоиз ҳовли-жойларнинг эгалик ҳуқуқи йўқ. Улар қачондир хўжалик бошқаруви чиқариб берган қарорни қўлтиқлаб, ҳовлижой қонуний меники, деб юришибди. Тўғри, улар ҳовли жой учун эгалик ҳуқуқини билмасликлари мумкин. Лекин қишлоқ фуқаролар йиғини, маҳалла оқсоқоллари, маҳаллий ҳокимиятдаги масъул ходимлар, кадастр хизмати ходими жойларга чиқиб, одамлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришлари керак-ку. Айрим ҳолларда уй-жой олди-сотдиси, уларни ҳадя қилиш ёки мерос масаласида аксарият қишлоқ жойларидаги фуқороларимизга эгалик ҳуқуқининг бўлмаслиги жуда кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Халқимизда "Билмаганни сўраб ўрганган олим", деган гап бор. Шундай экан, фуқаролар йиғини раислари, маҳалла оқсоқоллари, маҳаллий ҳокимият вакиллари жойлардаги давлат нотариуслари билан фуқаролар билан учрашувга, суҳбат ўтказишга таклиф этишса, фойдадан ҳоли бўлмасди.

Албатта, биз — соҳа ходимлари бундай тадбирларда бажонидил иштирок этиб, мавжуд қонун-қоидалар, халқимиз учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатлар, масъул раҳбар кишилар ваколати ва бурчлари ҳақида тушунтириш ишлари, ўқув семинарлар ўтказамиз. Шунингдек, мактаб, коллежларда ҳам давлат нотариуслари билан учрашувлар ташкил этилса, айни муддао бўларди.

Усмон ШАРИПОВ,
Нарпай тумани Давлат нотариус идораси 1-сон давлат нотариуси,
III даражали юрист,
Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан 2009 йил 19 март куни тасдиқланган **Адвокатура бўйича малака имтиҳони билетларига киритиладиган саволлар рўйхати** ва 2009 йил 20 мартдаги қарори билан тасдиқланган **"Адвокатлик тузилмаларининг намунавий ҳужжатларини тасдиқлаш ҳақида"**ги намунавий ҳужжатлари, жумладан:

1. Адвокатлик бюросининг намунавий устави;
2. Адвокатлик фирмасининг намунавий устави;
3. Адвокатлик фирмасининг намунавий шериклик шартномаси;
4. Адвокатлик ҳайъатининг намунавий устави;
5. Адвокатлик ҳайъатининг намунавий таъсис шартномаси;
6. Юридик маслаҳатхона тўғрисидаги намунавий низом

Адлия вазирлигининг Web ва www.Lex.uz сайтларига жойлаштирилган.



Шу боис, улардан фойдаланишни хоҳловчи фуқаролар ушбу сайтлар орқали маълумотларга эга бўлишлари мумкин.

ЭЪЛОН!

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги 1-сонли Нукус шаҳар давлат нотариал идораси давлат нотариуси лавозимига;
Тошкент вилояти адлия бошқармаси Зангиота тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига, Оҳангарон шаҳар 1-сонли ва Оҳангарон тумани давлат нотариал идораси нотариуслик лавозимига, Юқоричирчиқ тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозими учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.
7. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгор малака имтиҳонини қайта топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда қатнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Тошкент вилояти адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги телефонлари: (8-361) 223-15-82, 223-81-27;
Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 253-84-30, 280-51-03

Тошкент вилояти адлия бошқармаси қошидаги нотариат бўйича малака комиссиясининг 2009 йил 3 мартдаги қарорига асосан Ангрен шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси С.Ҳусановнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 3 ойга ҳамда малака комиссиясининг 2009 йил 9 мартдаги қарорига асосан Ангрен шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Р.Раимқуловнинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши 1 ой муддатга тўхтатилди.

Азиз юртдошлар!

"Андижонкабель" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси жамоаси

сизларни янгиланиш, яшариш, гўзаллик байрами — қадимий ва навқирон Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик, барчамизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат насиб этсин! Биз сизнинг хонадонингизга ёруғлик, иликлик ва хушхабарлар олиб киришга ҳисса қўша олганимиздан доимо бахтиёрмиз!

"Ёзёвон" қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи" жамоаси

барча ватандошларимизни гўзаллик, севинч ва қувонч байрами — Наврўзи олам билан табриклайди. Янги баҳор юртимизга тинчлик-тўкинлик элимизга бахт ва саодат билан келсин.

Дилларимиздан меҳру оқибат ҳеч қачон аримасин.

Диққат, янгилик!
Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

Сизларга янги "Навбаҳор" ютукли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ

Омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга, чекланмаган миқдорда Халқ банкининг барча бўлимлари орқали қабул қилинади.

Сиз, фоиз даромадларини олиш билан бир вақтда қўшимча 5 000 сўмдан 5 000 000 сўмгача бўлган пул ютуқлари совриндори ҳам бўлиш имкониятига эгасиз.

Халқ банкида аҳоли омонатлари даҳлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!

Мурожаат учун тел: 150-12-91
Хизматлар лицензияланган.
Лиц № 25.01.2003 йил

"Ғалла-Алтег" ОАЖ жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини меҳр-мурувват, гўзаллик, яшариш ва шодлик тимсоли бўлган баҳор айёми — Наврўзи олам билан муборакбод этади. Бободеҳқонларимиз хирмонидан ҳамиша файзу баракот, хонадонларимиздан тинчлик-осойишталик, беғубор осмонимиздан мусаффолик аримасин.

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банки (ОАЖ) миллий валюталарда янги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар:

1."Бойчечак"
Сақланиш муддати – 1 ой.
Омонат бўйича йиллик 28 фоиз ҳисобланади.

2. "Парвоз"
Сақланиш муддати – 1,5 ой.
Омонат бўйича йиллик 28 фоиз ҳисобланади.

3. "Ниҳол"
Сақланиш муддати – 3 ой.
Омонат бўйича йиллик 28 фоиз ҳисобланади
Қўшимча бадаллар биринчи икки ойда қабул қилинади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.
Мурожаат учун "Асака" банк (ОАЖ) филиалларида телефонлар:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

"Асака" банки (ОАЖ) сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди. Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

	Филиаллар	коди	телефон рақами
1.	Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-14
2.	Автотранспорт филиали	371	120-39-95
3.	Шайхонтоҳур филиали	371	120-84-26
4.	Юнусобод филиали	371	225-16-46
5.	Сирғали филиали	371	258-67-49
6.	Тошкент вилояти филиали	371	120-84-13
7.	Андижон вилояти филиали	3742	24-40-96
8.	Асака филиали	3742	33-13-69
9.	Фарҳод филиали	3742	26-62-37
10.	Фарғона вилояти филиали	3732	24-70-83
11.	Марғилон филиали	3732	37-12-37
12.	Олтариқ филиали	3734	32-10-11
13.	Қўқон филиали	3735	52-61-04
14.	Наманган вилояти филиали	3692	26-94-75
15.	Навоий вилояти филиали	4362	23-54-32
16.	Зарафшон филиали	4365	73-18-78
17.	Бухоро вилояти филиали	3652	23-71-94
18.	Бухоро шаҳар филиали	3652	24-24-29
19.	Самарқанд вилояти филиали	3662	31-19-97
20.	Афросиёб филиали	3662	34-18-10
21.	Қашқадарё вилояти филиали	3752	21-12-93
22.	Сурхондарё вилояти филиали	376	770-82-12
23.	Қорақалпоғистон филиали	3612	23-72-47
24.	Хоразм вилояти филиали	3622	26-97-78
25.	Сирдарё вилояти филиали	3672	25-44-03
26.	Жиззах вилояти филиали	3722	26-43-11

Сизнинг омонатларингиз :
- *солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!*
- *маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!*
- *эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!*
- *миқдори чекланмаган!*

Хизматлар лицензияланган.

Обод юрт одамлари

СУЮНЧИ

ҚИШЛОҒИМИЗДАГИ маҳалла раисининг кенг, ёруғ ва бежиримгина безатилган хонасида ўтирибман. Хонадаги анжомлар ва деворлардаги расмлар ҳам ўзига хос. Раис ҳайрон бўлганимни сезди шекилли, менга қараб гап қотди.

— ҲОЗИР фақат маҳаллалар эмас, идоралари ҳам ўзгариб кетган. Ҳали ҳам бўлса, биз камтарона иш тутганмиз, — у ўрнидан туриб хонадаги анжомларни фахр билан кўрсатди. — Буларнинг бари маҳалладошлар кўмагида бўлган.

Шу пайт хонага оппоқ соқолли, буғдойранг юзли, катта қора кўзлари қувончга тўлган отахон кириб келди.

— Суюнчи беринг, укам, спорт зали битди ҳисоб, очилиш маросими кунини белгиласак бўлади.

— Наврўз кунига тўғрилай беринглар, қўш байрам бўлади.

Раис маҳаллалар иш жараёни бутунлай ўзгариб кетганини, деярли ҳамма муаммолар четга чиқмай шу ернинг ўзида ҳал бўлишини, серфарзанд оилаларга, ночор хонадонларга моддий ёрдам бериш, ёшларни ишга жойлаштириш ҳам, деб бармоқлари билан санай бошлади. Шу дам хонага юриш-туришидан қатъиятлилиги сезилиб турган йигит кириб келди.

— Бу йигитча ўринбосарим, — деб таништирди раис ва:

— Хўш, нима гап? — деб унга юзланди.

— Машиналар кўп юрганидан катта йўлимиз озгина таъмирталаб бўлиб қолди, шуни ўйлаб кўрсак, яхши бўларди, шунга маслаҳатга киргандим.

— Жуда яхши. Буни ҳашар йўли билан қилиб бўлмайди. Маблағ ажратиш керак. Шуни чамаланг, кечқурун фаоллар келганда келишиб оламиз. — У иш битганидан хурсанд бўлиб чиқиб кетаётганди, қайтиб кириб қолди.

— Ха, тинчликми?

— Сувонқул ака набиралик бўлибди, суюнчи беринг! Шунга ақиқа қилмоқчи экан, маслаҳатга чиқибди.

— Ҳайрият. Ўзиям бу кунни ўн йил кутишди. Ўғлига ҳам, келинига ҳам балли. Сабр қилишди. Сабрнинг таги сариқ олтин, деганлари шу-да. Майли, кирсин. Отахон кирди-ю, раисни бағрига олди. Қувончи чексиз эди.

— Барака топинг, агар Сиз бўлмаганингизда болаларимнинг турмуши бузилиб кетган бўларди. Мана, набирали бўлдим. Сизга минг раҳмат.

Суҳбатимиз қизиб кетди. Ақиқалар, тўй-ҳашамларни ўтказиш маҳаллада жуда ихчамлашгани, бунинг учун махсус кенгаш тузилгани ҳақида гап борди. Мен ҳам суҳбатга аралашиб кетибман. Маҳаллада оқсоқоллар йиғини тез-тез ўтказиб турилиши, фаол хотин-қизларнинг ҳовли-жойлар озодалигини сақлаш борасидаги ибратли ишлари яхши самара бераётганини гап орасида қистириб кетди.

Раис мени кузата туриб маҳалла атрофида қурилаётган биноларни кўрсатди. Йўллар, йўлкалар озода. Ариқлар бўйига ўтказилган дарахт кўчатлари кўзни қувнатади.

Ҳаммадан ҳам суюнчига кирган одамларнинг юзидаги қувончни айтмайсизми? Бир оғиз "суюнчи" сўзи катта, янги маъно касб этганидан чексиз хурсанд бўлдим. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида юртимизда суюнчи хабарлар янада кўпайсин, деб дилимдан ўтказиб қўйдим.

Юнус ЗИЁДОВ,
меҳнат фахрийси

Ҳолат

Ер қонунчилиги

эл ризқини асрайди

БУГУНГИ КУНДА ерларни муҳофаза қилиш масаласи жамиятнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳамиятга молик вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ерга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тадбирлари қонунчилигимизда кўрсатиб ўтилган.

ЕРЛАРНИ муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари Маъмурий жавобгарлик, Жиноят, Фуқаролик, Меҳнат ҳамда Ер кодекслари нормаларида ўз ифодасини топган. Бу нормаларда ерлардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик, ерларни муҳофаза қилиш бўйича қонун талабларини бажармаганлик учун тегишли жазо чоралари белгиланган.

Шунингдек, Ер кодексининг 82-моддасига асосан ерларни оқилона муҳофаза қилганлик учун иқтисодий рағбатлантириш чоралари ўрнатилган. Бундай рағбатлантириш ер солиғи тўлаш, кредитлар ва бюджетдан маблағлар ажратиш бўйича имтиёзлар беришни ўз ичига қамраб олади. Бундай имтиёзлар тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш, ерларни салбий ҳолатлардан муҳофаза қилиш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги технологияларни жорий қилиш бўйича ишларни амалга оширган шахсларга нисбатан берилади.

Ҳозирги кунда адлия органлари томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жойларда ер майдонларини ажратиб бериш ҳамда ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳасида айрим қонунбузилиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Жумладан, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани ҳокими билан фермер хўжаликлари ўртасида ер майдонини узоқ муддатли ижарага бериш ҳақида тузилган айрим шартномаларда шартноманинг тузилган санаси, ижарага берилаётган ер майдонининг тоифаси, ўлчами ва тавсифи кўрсатилмаган ҳамда 108 та шартномада ижарага берилаётган ер участкаларининг чегаралари, улар билан чегарадош ердан фойдаланувчиларнинг номлари, имзо ва муҳрлари қўйилмаган, айрим фермер хўжаликларига ажратиб берилган ер майдонлари бўйича жойларга чиқилиб, далолатномалар тўлдирилмаган.

Шунингдек, Навоий вилояти ер ресурслари ва давлат кадастри идораларининг фаолияти ўрганилганда 2008 йил давомида 56 та қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Бу кўрсаткични 2007 йил билан таққослайдиган бўлсак, қонунбузилишлар сони 21 тага ортган. Жумладан, 2008 йилда аниқланган қонунбузилишлар хусусияти бўйича 27 таси фуқаролар мурожаатларига оид қонун ҳужжатларини бузиш, 14 таси кадастр ҳужжатларини кечиктириб тайёрлаш, ортиқча тўловлар ундириш, 3 таси текширишлар ўтказиш тартибини бузиш, 6 таси маъмурий жаримани ундириш чораларини кўрмаслик, 4 таси ортиқча жарима ундириш ҳамда 2 таси ерни узоқ муддатга ижарага бериш шартномасини расмийлаштиришда йўл қўйилган қонунбузилишлардир.

Мазкур аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан адлия органи томонидан **10 та** тақдимнома, **3 та** огоҳнома ва **1 та** кўрсатма киритилди. Кўрилган таъсир чоралари натижасида **10 нафар** мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Бу каби қонунбузилиш ҳолатларини республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кузатишимиз мумкин. Бунга чек қўйиш учун эса нафақат давлатимизнинг ваколатли органлари, балки ердан фойдаланувчилар ҳам бирдай масъулдир. Ахир, қарс икки қўлдан чиқади.

Шундай экан, барчамиз ердан самарали ва оқилона фойдаланишда улкан масъулият мавжудлигини унутмайлик.

Аъзамжон САРАБЕКОВ,
Суннат АБДУРАСУЛОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходимлари

Эътибор ва эътироф

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони бўйича Пахтакор туманида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ҚОЛАВЕРСА, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида амалга оширилаётган хайрли ишларимиз салмоғи янада ортади.

Туманимизда 60 минг аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 25 фоизини ёшлар ташкил этади. Ушбу Фармон эса айнан шу ёшларга катта имконият эшикларини очиб бермоқда. Айниқса, ёш келин-куёвларнинг истеъмол ва ипотека кредитлари олиш йўли билан уйжой қуриши, унга керакли жиҳозлар сотиб олиши улар турмуши фаровонлашишига омил бўлмоқда.

Тумандаги касб-ҳунар коллежида, 12-сонли мактабда, "Дўстлик" ва "Тошкентлик" маҳаллаларида адлия ходимлари, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари иштирокида фуқаролар ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида учрашувлар ўтказилди. Қизғин, дўстона мунозара, савол-жавобларга бой тарзда ўтган ушбу тадбирларда иштирокчилар давлатимиз ва ҳукуматимизнинг асосий эътибори ёшлар ҳаётига, уларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг моддий ва маънавий камолотига қаратилганлигини яна бир бор эътироф этдилар.

Ҳолбуви МАНСУРОВА,
Пахтакор тумани ФҲДЁ бўлими мудири

Тарғибот — залворли масъулият

АҲОЛИ ЎРТАСИДА ҳукумат қарорлари, Юртбошимиз фармойишлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, бугун Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходимларининг асосий вазифаларидан бирига айланди.

ЖУМЛАДАН, вилоятнинг Мирзаобод туманида ўтказилган навбатдаги тадбир ҳам фикримизнинг яққол тасдиғидир.

Юртбошимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори ва унинг ижросига бағишланган мазкур йиғилишда туман ҳокимлиги, ИИБ, прокуратура, Халқ таълими бўлими, Камолот ЁИҲ, ҚФЙ ва МФЙ раислари, адлия тизими раҳбар-ходимлари иштирок этдилар.

Вилоят адлия бошқармаси ходимлари сўзга чиқиб, Қарор ва унинг моҳияти хусусида қатнашчиларга батафсил сўзлаб берди.

Нодира ТОШХЎЖАЕВА,
Оқолтин тумани давлат нотариал идораси нотариуси

Ҳарбийлик масъулияти

Юртга садоқат туйғуси

Ҳарбий жиноятчилик тушунчаси ва меъёрий асослар

ОДАТДА, жамиятда оддий фуқаро жиноят содир этганида ундан етадиган зарар миқдори чекланган бўлади. Мамлакат чегараларининг дахлсизлиги, халқнинг тинч-осойишта турмушини муҳофаза қилишга масъул бўлган ҳарбий хизматчилар жиноят қилса, ундан қанчалик зарар етишини тасаввур қилиш қийин. Балки шунинг учун ҳам бундай жиноятларга барча даврларда, барча халқларда давлат томонидан жиддий эътибор берилган.

ҲАРБИЙ хизматдаги жиноятчиликнинг муҳим криминологик хусусияти шундаки, ҳарбий хизматчилар нафақат барча фуқаролари сингари умумий жиноий қилмишлар учун, балки ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар деб номланган ҳарбий жиноятлар учун ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Ҳарбий хизматчилар жиноятчилиги таркиби *умумий жиноятлар ва ҳарбий жиноятларга* бўлинади.

Назарий ва амалий нуқтаи назардан армиядаги жиноятчилик сабаблари ва унга олиб келган шарт-шароитлар уч асосий гуруҳга ажратилади:

1) ҳуқуқбузарлар ҳарбий хизматга қабул қилинишидан (чақирилишидан) олдинги турмуш, таълим-тарбия ва иш шароитларида намоён бўлувчи жиноятчиликнинг умумий сабаблари;

2)ҳарбий хизматдаги ҳаёт ва фаолият шарт-шароитлари орқали намоён бўлувчи жиноятчиликнинг умумий сабаблари; 3)ҳарбий хизматчилар жиноят содир этишига олиб келувчи ҳарбий хизмат билан боғлиқ сабаблар ва шарт-шароитлар.

Шулардан келиб чиқиб профилактик тадбирларда ижтимоий-иқтисодий, тарбиявий, ташкилий-бошқарув ва жиноят-ҳуқуқий каби асосий йўналишларни фарқлаш мумкин. Бу йўналишларнинг айримлари умумижтимоий даражада, айримлари – умумижтимоий ва махсус-криминологик даражада, айримлари эса – фақат махсус-криминологик даражада амалга оширилади.

Шахсни ижтимоий жиҳатдан тўғри йўлга солиш маънавий, ҳуқуқий ва ҳарбий тарбиянинг ишончли кафолати бўлиши мумкин. Ҳарбий хизматчиларда чинакам ватанпарварлик, ўз халқини ардоқлаш, юртга садоқат туйғуларини мустаҳкамлашга доимо эътибор қаратишнинг катта аҳамияти бор.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ "Мудофаа тўғрисида", "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди, улар асосида умумҳарбий низомлар (Ички хизмат низоми, Интизом низоми, Гарнизон ва қоровул хизмати низоми) ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Миллий қонунчилигимизда офицерлар, сержантлар ва аскарлар томонидан ҳарбий хизматни ўташнинг халқчил асослари белгилаб қўйилган. Ҳарбий хизматчиларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатлари тўла ҳимоя қилинади, уларнинг хизмат фаолияти ва кундалик хулқ-атвори устидан ижтимоий назоратнинг оқилона шакллари назарда тутилган.

Ҳарбий қисмлар ва бўлинмаларда жиноятларнинг олдини олишда *жиноят-ҳуқуқий чоралар* муҳим ўрин эгаллайди. Жиноят содир этганлик учун айбдорлар шахсан жиноий жавобгар бўлишлари лозим.

Шуни назарда тутиш жоизки, жиноят-ҳуқуқий чоралар жиноий хулқ-атворнинг ижтимоий сабабларини бартараф этмайди. Улар фақат одамларнинг руҳиятига таъсир кўрсатиб, уларни тўғри йўлга солади ёки жазонинг муқаррарлигини англатиб, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этишдан тийиб туради. Шу боис, жиноятларнинг олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар комплекс тартибда ва изчил амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

Нодирбек САЛАЕВ,
ТДЮИ магистранти

РЕСПУБЛИКА бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти Андижон вилояти бошқармаси томонидан ноқонуний молиявий операцияларнинг амалга оширилиши, солиқ ва валютага оид товламачилик, фирибгарликлар содир этилиши, жиноий даромадларни турли усуллар билан беркитишга уринишлар, четдан ноқонуний равишда товар моддий бойликларини олиб кириш ва бошқа шу каби қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Тезкор тадбирлар натижасида солиқ, валюта ва иқтисодиётга оид аниқланган ҳуқуқбузарликлар бўйича 644 та жиноят иши қўзғатилди ва 2008 йил мобайнида давлат бюджетига 4,454 миллион сўм ундирилишига эришилди.

Қора қилмиш

Тош ҳам текин эмас...

ёхуд "мушук"нинг офтобга чиқиши

АНДИЖОН ШАҲРИДА яшовчи тадбиркор Ҳилола Тошбобоева "Элнура-2001" кўп тармоқли хусусий фирмасини янада ривожлантириш учун Андижон шаҳридаги Т.Ражабов кўчасида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси очиш истагида қурилишга ер ажратиш ҳақида Андижон шаҳар ҳокимлигига мурожаат этади. Андижон шаҳар ҳокимининг собиқ ўринбосари Аброржон Ҳамраев эса буни ҳал қилишни пайсалга солади.

Ниҳоят, икки миллион сўм пул ундирган собиқ ҳоким ўринбосари ваъдани қуюқ қилади. Лекин ҳадеганда тегишли қарордан дарак бўлмайди, Ҳилола яна ундан сўрагач, у бош мутахассис Олимбек Мирзаохуновга учрашиши кераклигини айтади.

Хуллас, Олимбек ҳам ишни орқага суриб, ахийри, икки миллион сўм пулни олади-ю, бироқ масалани ҳал қилмайди. Орадан йиллар ўтади. 2003 йилнинг апрель ойида Олимбек Ҳилоладан шаҳар ҳокимлиги коммунал хўжалиги ободончилик бўлими бошлиғи ўринбосари Ҳосилжон Ҳамзаев орқали яна бир миллион сўм сўрайди. Ҳилола бу гал айтилган пулнинг ҳаммасини эмас, 750 минг сўмини беради. Шундан кейин О.Мирзаохунов Ҳилоланинг укаси Шокир Ориповдан ҳам 175000 сўм олади ва 2003 йилнинг октябрь ойидагина фирма учун айтилган манзилдан 0,2 га. ер ажратилиши ҳақида қарор чиқарилади. Аммо ернинг кутилмаган бошқа эгалари билан 2008 йилгача тўхтамаган келишмовчиликлардан безор бўлган Ҳилола:

— Менга ер керак эмас, олган пулларингизни қайтариб беринг, — дейди.

Олимбек 700 минг сўмни қайтармоқчи бўлади. Бу пуллар Ҳакимжон орқали берилаётган вақтда ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан ушланди.

Суриштирув ҳаракатлари давомида шаҳар ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассиси Шуҳрат Осимқулов Ҳ.Тошбобоевага ажратилган ерни Т.Ражабов кўчасида яшовчи Мўътабархон Остоновага боғ ва мева кўчатлари етиштириш учун 0,12 га. ерни 2015 йилгача ижарага бериш ҳақида бўлим бошлиғи С.Жалилов номидан ижара шартномасини тузиб, ўзи имзолаганлиги, М.Остоновадан ўн миллион сўм олганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилиб, айбдор шахслар тегишли жазо олдилар.

Ноқонуний тадбиркорлик давлатнинг молиявий манфаатларига зарар етказади, бозорда қайсидир даражада рақобат қоидаларининг бузилиши, қалбаки товарлар тарқатиш, сифатсиз хизматлар кўрсатиш, истеъмолчиларни алдашга имкон туғдирадиган "хуфёна" секторнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бунинг оқибатида давлат иқтисодиётини тўлдириши лозим бўлган даромадлар яширилади.

Марҳамат туманининг "Қорабоғиш" маҳалласида яшовчи Дилмурод Сотволдиев ноқонуний равишда Марҳамат қишлоғидаги адирликда асфальт тайёрлайдиган цех ташкил қилди. Цехни юргизиш учун шерик излаган Д.Сотволдиев "Субхона" фермер хўжалиги ва "Машканал" хусусий корхонаси мансабдор шахслари билан ўзаро жиноий тил бириктирди. Фермер хўжалиги номидан тумандаги бир неча корхоналар билан маҳсулот сотиш юзасидан шартномалар тузилади. Хуллас, 483,2 тонна асфальт маҳсулотларининг ҳар бир тоннасини 42850 сўмдан жами 20705,1 минг сўмга пул ўтказиш йўли билан сотади. У ишлаб чиқаришда фойдаланилган электр энергияси тўловларини "Машканал" хусусий корхонаси орқали амалга ошириб келган. Бироқ, ушбу цех на фермер хўжалиги ва на хусусий корхона балансига киритилди. Бу субъектларнинг туман ДСИга топширган ҳисоботларида ҳам цехга оид маълумотлар акс эттирилмайди.

Д.Сотволдиев давлат рўйхатидан ўтишдан ҳамда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаб, назорат қилинмайдиган фойда олиш мақсадидаги фаолиятни амалга оширади. У бундай хатти-ҳаракатлари билан Жиноят кодексининг 188, 189-моддалари айрим қисмларида назарда тутилган жиноятни содир этди ва унинг қилмишлари қонуний баҳосини олди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмайди, деган гап бежиз айтилмаган. Юқоридагилардан хулоса қиладиган бўлсак, қиғир, ноқонуний иш бир куни, албатта, фош этилади.

Эркинжон ХОЛМАТОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи, адлия маслаҳатчиси,
Шуҳратбек МУСАЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

МЕҲНАТКАШ халқимиз галла ризқ-рўзимиз манбаи, турмуш фаровонлигимиз эканлигини жуда яхши билади. Шу боис касални тузатгандан кўра, унинг олдини олган маъқул, деган ақидага амал қилади. Қишлоқ хўжалиги экинзорлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, уни асраб-авайлаш бугунги кунда барчамизнинг бирдай инсонийлик бурчимизга айланган.

Экинзорларни пайҳон қилманг!

Насибамиз бутун бўлсин

тарғибот-ташвиқот ишлари ижобий самара бермоқда

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИнинг 2008 йил 10 декабрдаги **"Қишлоқ хўжалиги экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани прокуратураси, ИИБ ва бошқа масъул идоралар томонидан, 2009 йил ҳосили учун экилган бошоқли дон экинлари пайҳон қилинишининг олдини олиш, бу ҳолатлар бўйича айбдор шахсларга тегишли чоралар кўриш каби бир қатор белгиланган ишлар амалга оширилмоқда.

Галла экинлари экилган майдонларни қўриқлаш учун махсус дала қоровуллари ташкил қилиниб, бу ишга маҳалла посбонлари ва кенг жамоатчилик вакиллари жалб қилинди. Айниқса, чорва молларининг эгалари ва чўпонлар билан профилактик суҳбатлар ўтказилиб, уларга экинлар пайҳони учун жавобгарлик муқаррарлиги, етказилган зарарни ундириш чоралари тушунтирилди.

Қишлоқ ва маҳаллаларда олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Агар таҳлилларга назар соладиган бўлсак, туманимизда қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилиш ҳолатлари 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 8 тани, 2008 йилда эса 6 тани ташкил қилган бўлса, 2009 йилда 1 та шундай ҳолат аниқланди. Лекин галла экинзорларининг пайҳон қилиниши каби нохуш ҳолатлар юртимизнинг қаерида бўлмасин, ҳануз учраб туриши ачинарли ҳолдир.

Ота-боболаримиз ўгитларида таъкидланганидек, нонинг ушоғи ҳам нон. Заҳматкаш деҳқонларимиз умид билан ерга қадаган ҳар бир уруғнинг қадрига етмоқ, ризқу рўзимизни асраб-авайламоқ даркор.

Қўшпўлат РОМАНОВ,
Бўстонлиқ тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси

Семинар

Ҳуқуқий экспертиза

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ тадбирлар режасига мувофиқ Урганчда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва уларни туркумлаш масалалари юзасидан семинар-машғулоти ўтказилди.



АНЖУМАНДА таъкидланганидек, Конституция ва қонунларимиз устуворлиги таъминланаётган ҳозирги пайтда ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар мукаммаллиги алоҳида аҳамиятга эга. Бундай мақомдаги ҳужжатларни тайёрлаш, қабул қилиш ва амалга ошириш жараёнида **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги Қонун ва Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 14 декабрдаги 304-сонли қарори талабларига бекаму кўст риоя қилинмоғи даркор. Унга кўра, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат идораларининг умуммажбурий мақомдаги меъёрий ҳужжатларини рўйхатга олиш, зарур ҳолларда ҳуқуқий экспертиза тадбирларини ўтказиш ҳамда қонун талабларига мослаштириш учун адлия органлари ҳукмига ҳавола этилмоғи зарур. Айни пайтда қабул қилинган, кучга киритилган ва ваколатли давлат органлари томонидан маъқулланган ҳужжатларни туркумлаш, уларнинг кенг қамровли ва пухта-пишиқ электрон матнларини яратиш билан боғлиқ масалалар диққат-эътиборда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти, юридик хизмат тизими, ФҲДЁ, давлат ва ҳуқуқий нотариал тармоқлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган мазкур анжуманда бу соҳадаги ишларнинг ҳозирги ҳолати таҳлил этилди, тажрибалар ўртоқлашилди, қатор танқидий фикр-мулоҳазалар баён қилиниб, галдаги режа ва вазифаларни амалга ошириш чоралари, йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Ҳисобли дунё

Электр ҳисоблагични нега тўхтатдингиз?

Ресторан соҳибларининг электр тармоқлари корхонасига 3 миллион 120 минг, туман газ корхонасига 476 минг сўмлик зарар етказганлиги хусусида

ҲАР БИР НАРСАНИНГ ҳисоб-китоби бор. Баъзи одамлар газ ва сувга, электр энергиясига битмас-туганмас нарсадек муносабатда бўлишади.



СУРХОНДАРЁ вилояти прокуратураси томонидан коммунал тўловлар ундирилиши аҳволини ўрганиш, мавжуд қарздорликларни бартараф этиш юзасидан назорат тадбирлари амалга оширилмоқда. Жумладан, 2009 йил 11 январь куни вилоят ишчи гуруҳи томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги **"Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланишни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги 512-сонли қарори ижроси юзасидан Сариосиё туманида фаолият юритаётган "Диёрбек" хусусий корхонасида электр энергиясидан фойдаланишнинг аҳволи текширилди.

Текшириш жараёнида корхонага қарашли ресторанда ўрнатилган электр ҳисоблагич тўхтатилгани ҳолда табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланганлик ҳолатлари аниқланди. Корхона бошлиғи Абдували Сайдалиев электр энергияси ва табиий газдан қарздорликни бартараф этиш ўрнига туман электр тармоқлари корхонасига 3 миллион 120 минг, "Сариосиё туман газ" филиали корхонасига 476 минг сўм миқдорда моддий зарар етказган.

Бу сингари фойда изидан қувмоқлик, жавобгарликни "унутмоқлик" ҳолати Шўрчи туманидаги "Ибн Сино" номли дорихонада ҳам мавжуд экан. Дорихона соҳибаси Манзура Мирфайзиева элга манзур иш қилмаётганлигини ҳуқуқни муҳофаза этиш идораси ходимлари томонидан МЖтКнинг 101-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилгач англагандир.

Жамият ва давлат манфаатларига зарар етказиш ниятидаги бундай шахслар ўз қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришлари муқаррар.

Алишер ҚОРАЕВ,
Сурхондарё вилояти прокуратурасининг бўлим прокурори

МАМЛАКАТИМИЗ истиқлолга эришгач, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамият барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай жамиятда эса ёшларнинг, хусусан, вояга етмаган ёшларнинг комил инсон қилиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири саналади.

Таълим ва тарбия

Жамиятнинг мустаҳкам таянчлари

МОДОМИКИ, гап ёшларнинг жамиятдаги ўрин хусусида борар экан, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрда қабул қилинган **"Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"** ги 360-сонли қарорини ҳам алоҳида тилга олиш лозим. Ушбу қарорда биз юқорида тилга олган имкониятлардан ташқари вояга етмаганларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, соғлигини мустаҳкамлаш, улар ўртасида жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш масалалари, бунинг учун эса прокуратура, ички ишлар ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, тегишли идоралар, маҳаллий ҳокимият органлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг ўзаро ҳамкорлиги аниқ ифодасини топган. Негаки ҳуқуқий жиҳатдан етук ёшлар ҳақиқий маънода жамият таянчига айланади. Улар нафақат ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, балки зиммаларидаги улкан масъулиятни ҳис этган ҳолда ҳаракат қилиб, танлаган касбларининг фидоийлари бўлиб етишишади.

Шу маънода гапирганда Қўқон автотранспорт касб-ҳунар коллежи ҳам ҳудуд ёшларининг эртанги ҳаёт йўлига қанот бағишлаётган таълим муассасаларидан биридир. Айни пайтда коллежда 2800 нафар ўқувчилар автомобил транспортида ташишни ташкил қилиш ва ҳаракатни бошқариш, автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, автомобилларни йиғиш, автомобилларнинг электр ва электрон жиҳозларининг диагностикаси, автомобил йўллари, сунъий иншоотлар ва аэродромларни таъмирлаш ва ишлатиш, бухгалтер-аудитор, автоматлаштирилган тизимларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш мутахассисликлари бўйича таҳсил олишмоқда.

Муассаса маъмурияти ҳукуматнинг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида айниқса ижтимоий муҳофазага муҳтож, боқувчисини йўқотган ўқувчиларнинг таълим-тарбияси, уларни ижтимоий ҳимоялашга жиддий эътибор билан ёндашган. Бинобарин шу тоифа ўқувчилар коллеж томонидан ойлик стипендия, дарсликлар, спорт формаси, қишки кийимкечак билан таъминланмоқда. Бундан ташқари худди шундай битирувчиларни турли корхона ва ташкилотларга ишга жойлаштириш масаласи ҳам ҳал қилиняпти.

Шу ўринда коллежнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари билан ҳамкорлигига ҳам алоҳида тўхталиш зарур. Вилоят ва Қўқон шаҳар прокуратуралари, ички ишлар бошқармалари ходимлари иштирокида **"Ёшлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик, гиёҳвандлик ва терроризмнинг олдини олиш"**, **"Ўзбек ўғли ўзлигингни унутма"**, **"Ёшлар XXI асрга гиёҳванд моддаларсиз"**, **"Конституция – бахтимиз қомуси"**, **"Огоҳлик – давр талаби"** каби мавзуларда ташкил этилган ҳуқуқий тадбирлар ана шу ҳамкорлик йўлидаги дадил қадамлардир.

Аҳроржон ТУРДИАЛИЕВ,
Қўқон автотранспорт касб-ҳунар коллежи директори
Хуршид СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

"Тўққиз"нинг тўқмоғи

ёхуд янги пайдо бўлаётган "удум"лар ҳақида

ХАЛҚИМИЗНИНГ ўзига хос урф-одатлари, расм-русумлари, анъаналари, удумлари кўп. Уларнинг ҳар бири миллат маънавиятини юксалтириш, ёшларнинг юртга садоқат, Ватанга муҳаббат, оилага, қариндош-уруғларга ён-атрофдагиларга оқибат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам азал-азалдан ўзбекнинг каттаси кичигига, бойи камбағалига қайишган. Бир-бирини иззат-ҳурмат қилган, эъзозлаган. Ҳеч қачон катта кичикни, бой камбағални камситмаган. Шоир айтмоқчи, "манманлик дори"га осилмаган. Афсуски...

АФСУСКИ, кейинги пайтларда турмушимизга айрим "янги бой"лар томонидан "кашф" этилаётган янги-янги "удум"лар кириб келмоқдаки, ўз вақтида бу ҳолатнинг олдини олмасак, кейин кеч бўлиши мумкин.

Яқинда Навоий вилояти, Навбаҳор туманида яшовчи танишлардан бири тўйга таклиф қилиб қолди. Ўзбекчилик, айтган жойдан қолма-ю, айтмаган жойга борма қабилида иш тутиб, қиз чиқараётган танишимизнинг уйига бордик. Тўйхона чароғон. 400-500 чоғли меҳмонга жой тайёрланган. Тўрдаги алоҳида саҳнда келин-куёв. Хонандалар қўшиқ куйлаб, раққосалар хиромон айлаган. Рости гап, биз аввалига бу манзарани кўриб хайрон бўлдик. Алҳол, шундай бир иккиланишда турган пайтимизда тўй эгаси кўриниб қолди.

Салом-алик ва тўй муборак қилгач, уни саволга тутдик:

— Бизга қиз чиқарапман, деб хабар берган эдингиз. Бу тўй қиз тўйига ўхшамайди-ку?

— Ҳа, энди буёғи шундай бўлиб қолди, — деди тўй эгаси. — Ҳозир бизда тўққиз тўй, дегани урф бўлган. Куёв томонда бўладиган тўйдан бир кун аввал келинникида базм бўлади. Кудалар, ошна-оғайнилар, қариндош-уруғлар, хуллас, кўнгли яқинларнинг барчаси бир дастурхон атрофига тўпланишади.

Шерикларимиздан бири ҳайрон бўлиб, тўй эгасини яна саволга тутди:

— Эртага-чи? Куёвнинг уйидаги тўйга кимлар таклиф қилинади?

— Албатта, мана шу дастурхон атрофида ўтирганлар-да, — деди тўй эгаси...

Келинг, энди суҳбатимизни қолган қисмини ёзиб, ўқувчининг вақтини олиб ўтирмайликда, бир мулоҳаза қилиб кўрайлик. Тўққиз тўйдан кўзланган-мақсад нима? Бундан янги оила қураётган келин-куёвга нима наф?

Албатта, биринчи саволга ҳеч бир иккиланмасдан "ўз бойлигини кўз-кўзлаш", деб жавоб беришимиз мумкин. Агар шундай бўлмаса, бир марта харажат қилиш мумкин бўлган тўйга нега икки карра кўпроқ харажат қилаяпмиз?

Мулоҳаза ўрнида

Яна бир гап. Кейинги пайтларда келин-куёвнинг никохдан ўтиши учун 30-40 талаб машина "пойга"си уюштирилиши бирмунча камайгандек эди. Буни қарангки, айрим "уддабурон"лар бунинг ҳам йўлини топишибди. Ўша тўйда бизга "антиқа" бир воқеани сўзлаб беришди.

Ҳозир туманларда келин-куёвни "ЗАГС"дан ўтказиш учун хизмат қиладиган битта "Лимузин"нинг хизмат ҳақи 250-300 минг сўм экан. Қаранг, бир-икки соат давом этадиган саёҳатга шунча харажат. Агар ана шундай шоҳона машина олиб келинмаса, гоҳ келин, гоҳида келиннинг амма-холалари норозилик билдиришаркан. Биз эшитган воқеада ҳам айнан машина устида жанжал чиққан. Келин қурғур "мен оддий машинада никоҳни қайд этишга бормайман", деб туриб олибди. Куёв томон юпқагина экан. Лекин на илож. Қарз-ҳавола қилиб бўлса ҳам келин бола истаган машинани топишибди. Шундан кейин келин томон ФҲДЁдан чиққандан сўнг тўйгача ўтказиладиган "қиз ўтириши" устида кудалар билан "музокара" олиб боришибди.

Буни қарангки, куёв истиқомат қиладиган маҳаллада бундай ортиқча даҳмазаларга йўл қўйилмас экан. Маҳалла оқсоқоли "тўй битта бўлади. Тўйдан олдин ҳеч қандай базмга рухсат йўқ", деб туриб олибди. Табиийки, бу шарт келин томонни қониқтирмаган. Шундан кейин куёв бола туман марказидаги ана шундай муассасага мурожаат қилибди. Хусусий тадбиркор томонидан қурилган ушбу базмхонада бир соат рақс тушиш 70 минг сўм экан. Илож қанча, куёв шўрлик яна ошна-оғайнидан қарз кўтарибди...

Хуллас, ундай-бундай бўлиб тўй ўтибди. Лекин куёвнинг зиммасида отнинг калласидек қарз. Тўламаса бўлмайди. Орадан бир ой ўтар-ўтмас қарз берувчиларнинг қистаб келишидан безор бўлган куёв иш ахтариб катта шаҳарлардан бирига йўл олган.

Шу ўринда ўзимизга савол берайлик. Икки соат шоҳона машинада юриш учун 250-300 минг сўм маблағ сарфлаш шартмиди? Нега ота-оналар, амма-холалар мана шундай ортиқча чиқимларнинг олдини олишга ҳаракат қилишмайди? Ахир тўй қилиб, юртга ош тортиб, икки ёшнинг бошини қовуштириш нима? Уларнинг ували-жували бўлиб, қўша-қаришларини кўришми ёки...

Айнан тўйлардаги дабдабабозликлар борасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Анвар Абдувалиев билан суҳбатлашиб қолдик:

— Бир куни қариндошлардан бири ўғил уйлантираётганини айтиб, таниқли санъаткорлардан бири билан гаплашиб беришимни илтимос қилди, — деди Анвар ака. — Радиода ишлаганим учун санъаткорларнинг кўпчилигини шахсан танийман. Лекин қариндошим тўйга таклиф қилаётган хонанда билан сира ҳамсуҳбат бўлмаган эканмиз. Шунда ҳам қариндошнинг сўзи синмасин деб, ўша санъаткорни топдим. Унга Фарғонадан тўйга таклиф қилишаётганини айтдим. Биласизми, нима деди?! "Мен сизни яхши танийман. Ҳурмат қиламан. Шунинг учун майли, тўй эгаси хизмат ҳаққимизга икки ярим минг "кўк"идан берса, бораман. Одатда вилоятларга уч минг "кўк"идан камига бормасдим", дейди.

Тўғриси, нима дейишимни билмай қолдим. Кейинроқ учрашишга ваъда бериб, ўша қариндошга қўнғироқ қилдим. Вазиятни тушунтирдим. Ҳофизнинг баҳосини айтдим. Жаҳли чиқиб кетар десам, қайтанга хурсанд бўлиб кетди. "Олиб келаверинг. Пул топилади. Ошна-оғайнининг орасида мақтаниб қўйган эдим. Уялиб қолмасам бўлди", дейди.

Ваҳолангки, ана шу тўй қилаётган инсон ўз кучи билан шартнома асосида ўқишга кирган ўғлини "ҳар йили бир миллион сўмни қаердан топаман", деб ўқитмаган эди. Энди эса икки-уч соатда ўтиб кетадиган тўйга бир хонанданинг келиб-кетиши учун икки ярим минг "кўк"идан беришга тайёр.

Демак, имконияти бор. Маблағи етарли. Шундай экан, боласини ўқитсин эди. Пули жуда кўп бўлса, ёш келин-куёвга бирор эсда қоларлик совға қилсин эди. Йўқ, бизда бундай эмас. Мен сендан камманми, деб донгимизни чиқаришни яхши кўрамиз-у, лекин пешона теримиз эвазига топган уч-тўрт тангамизни болачақамизнинг билим олиши, тўкис кийиниши, борингки, дунё бўйлаб сайр-саёҳат қилишидан қизғанамиз...

Муҳтарам газетхон! Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, инсон нима учун бир умр тириши-ш-тирмашиб ишлайди? Уч-тўрт танга йиғади ва нима учун уни бир кунлик тўйда шамолга совуради? Ном қозониш учунми, ёки...

Қолаверса, сиз билан биз ўткинчи ҳою-ҳавас учун ота-боболаримизнинг "Исрофнинг ҳам уволи бор!" "Бугун нимани қилсанг хор, эртага ўшанга бўласан зор!" деганга ўхшаш ибратли ўгитларини унутиб қўймаяпмизми?

Азиз газетхон! Балки бу саволларга биргаликда жавоб топармиз?..

Ислом ҲАМРО,
"Инсон ва қонун" мухбири

Огоҳликка даъват

Никоб остидаги ғаразли қиёфа

— Иккинчи минг йилликнинг сўнгги йилларида иккита муҳим воқеа рўй берди, – дейди британиялик илоҳиётшунос олим Тимоти Уинтер. – Коммунизм инкирозга юз тутди ва журналистлар тилида "Ислом мутаассиблиги" деб аталадиган ҳодиса фавқулодда кучайди.

Минг афсуски, илоҳиётшунос олим иддаосида жон бор. Чунки, айнан XX асрнинг охирига келиб дунё жўғрофий-сиёсий саҳнасидаги кўп талотўплар муқаддас Ислом дини билан никобланган ҳолда содир этилди. Хусусан, Яқин Шарқдаги нотинч ҳаёт, Афғонистондаги қирғинбаротлар, Ироқ, Эрон, Покистон, Сурия ва Чеченистондаги ҳудкушлик ва биродаркушликлар, Марказий Осиё давлатлари, жумладан ватанимизда 1999 йил февраль ойида юз берган ва ундан кейинги мудҳиш воқеалар, Андижонда содир этилган қонли воқеалар, барчабарчасида, афсуски, Ислом дини асосий омил сифатида талқин этилди. Лекин, аслида шундайми? Буюк боболаримиз Нақшбандий, Бухорий, Термизий, Мотурудий, Румийлар кўзга тўтиё этиб, унинг ривожига ҳаётини бағишлаган мўътабар ислом дини бузғунчилик ва қон тўкишга йўл берадими?

"Албатта, Оллоҳ адолатга, чиройли амаллар қилишга ва қавм-қариндошга меҳр-мурувватли бўлишга буюрур ва сизларни бузуқликдан, зўравонликдан, жамики ёмон ишлардан қайтарур. У зот шояд ибрат-эслатма олсангиз, деб сизларга панд-насиҳат қилур", дейилади Қуръони Каримда (16:90). Умуман, бирор-бир илоҳий китобда динни сиёсатга айлантиринг, ҳукуматни босиб олишда уни истифода этинг, шаҳару қишлоқларга ўт қўйинг, бузғунчилик ва бузуқчилик каби ёмонликни урчитинг, қон тўкинг, деган ҳукм йўқ.

Қолаверса, Ислом таълимоти, Ислом фалсафаси инсоният ўз тарихи давомида ишлаб чиққан жамики таълимотлардан устун. Бироқ дин никоби остида жамият фикрини чалғитиш, эл-улус ўртасида адоват уруғини сочиш, одамлар ўртасида ваҳима уйғотиш орқали ўзларининг чиркин ниятини амалга ошириш илинжида тиним билмаган жами оқимлар, афсуски, ҳамон мўътабар динимизни рўкач қилади, ўзи содир этаётган қонли воқеаларни унинг воситасида никобламоқ истайди.

"Ваҳҳобийлик", "Ҳизбут-таҳрир" каби диний экстремистик оқимлар бугун жаҳон матбуотида энг "қизғин" мавзуга айлангани фикримизнинг тасдиғидир. Асл нияти конституцион ҳукуматни ағдариб, ҳокимиятни босиб олиш ва халифаликни қайта тиклаш, бутун оламга исломни ёйишдек жаҳоний масалани илгари сурган "Ҳизбут-таҳрир" оқими ҳам ўтмишдошларидан унча фарқ қилмайди. Сиртдан қараганда, тузилиши фарқ қилса-да, моҳияти ўша-ўша.

XX асрнинг ўрталари, янаям аниқроғи, 1953 йилда фаластинлик Тақийуддин Набоҳоний Исроилда ташкил этган бу ҳаракат, ҳатто маданиятлар глобаллашиб кетаётган учинчи минг йилликда ҳам ўз сарқит ғоясидан воз кечган эмас. Тимоти Уинтер маданиятлар глобаллашуви ҳақида сўз юритиб, бугун Лондонда мусулмон бўлмаган британияликлар тонгни азон садолари билан қарши олса, маккалик мусулмонлар "Макдоналдс" ресторанида тамадди қилаётган бўлади, дейди. Бунда чуқур маъно бор.

Бугун ҳам Тақийуддин Набоҳоний авлоди асрий орзуига етган эмас. Ва бу мунофиқ экиб кетган қабоҳат уруғи тинч ўлкаларга нотинчлик, осойишта хонадонларга ташвиш ва кулфат, мўътабар динимизга эса иснод ва маломат олиб келмоқда. Нимага десангиз, "Ҳизбут-таҳрир" ўзгача бўлган бузғунчи оқимларнинг давомчиси бўлиб, одамларни жаҳолатда тутиб туришдан, қон тўкишдан бошқага ярамайди. Шунинг учун ўтган ярим аср давомида бирон-бир ўлкада обрў топган эмас. У зимдан ҳаракат қилади ва зимдан мўътабар динимизни ич-ичидан емиради.

2003 йил Тошкентда ҳам "Ҳизбут-таҳрир" оқимининг "Аёллар қаноти" тузилган. У ёғини олиб қарасангиз, наинки бу диний-сиёсий гуруҳ, балки "Ҳизбут-таҳрир"нинг ўзи ҳам республикамиздаги мавжуд қонунчилик асосида белгиланган тартибда ҳокимият идораларидан расман рўйхатдан ўтмаган.

Ҳокимиятни олиш "Уммат" орқали, яъни фикрий ва сиёсий кураш воситасида "жиҳод" йўли билан ҳокимиятни босиб олиб, халифалик ўрнатиш даъвосида бу бузғунчи оқим ҳали айтганимиздек, яширин фаолият юритиб келади. Табиийки, унинг "Аёллар қаноти" ҳам...

Ушбу гуруҳ "минтақа мусоидаси" Н.Миртолибова (2000 йил ўрталарида қамоққа олинган) ва китоб масъуласи С.Зокировалар томонидан ташкил этилиб "Назарбек-1" жиҳози ва "Назарбек-2" жиҳози дея шартли ном олади. Ушбу "жиҳозлар"га, яъни "Назарбек-1" жиҳозига 1965 йилда Тошкент вилоятида туғилган Феруза Рустамова нақиба этиб тайинланади. У жиҳоз аъзолари, яъни ҳизбиялар Мунаввар Аҳмедова, Шоира Мўминова, Марғуба Мўминова, Соня Муминова, Зулайҳо Арзиевалларга нақибалик қилади.

Иккинчи "Назарбек-2" жиҳозига эса 1964 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Муқаддам Турғунова нақиба этиб тайинланиб, қўл остидаги ҳизбиялар Нигора Носирова, Умида Муллажонова, Насиба Камолова, Мазлума Каримова, Камола Носироваларга нақибалик қилади.

Нақибалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тизимини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга, қонуний равишда сайлаб қўйилган ва тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга, Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини бузишга очиқдан-очиқ даъват қилувчи "Онг-аль Ваъйи" номли диний экстремистик, сепаратистик ва ақидапарастлик тарзидаги журнал ва варақаларни тарқатиш билан шуғулланиб келиб, ўзлари раҳбарлик қилиб келган жиҳозлардаги ҳизбиялардан оқим йўлида қилган ишлари юзасидан ҳисобот ва таборот (бадал) пулларини қабул қилиб олиб, жиҳозлар бўйича китоб масъуласи С.Зокировага топшириб келишган.

Ушбу гуруҳнинг асосий фаолларидан бири, деб эътироф этилаётган Феруза Рустамова 1965 йилда туғилган. Тўрт нафар фарзанди бор. 1996 йилда ҳижобга кириб, шу йиллари "қўлбола" усулда диний "сабоқ" олган. 2000 йиллар бошларида турмуш ўртоғи Аброр Рустамов норасмий "Ҳизбут-таҳрир" оқимига аъзоликда айбланиб, 8 йилга озодликдан маҳрум этилган.

Аслида ушбу ҳаракат фаолияти "Минтақа мусоидаси" Н.Миртолибова қамоққа олингач, бироз сусаяди. Маълумки, Ҳизб-ут-таҳрир оқимига кирадиган ҳар бир одам қасам ичгач, оқимга қабул қилинади. Хуллас, ҳизбиялар астасекин яна бош кўтаради. Хусусан, 2008 йилнинг январь ойида "Муслима", яъни гуруҳ китоб масъуласи Салима Зокирова Ферузани топиб, бошланган ишни давом эттириш кераклигини, Оллоҳ йўлидан қайтиш гуноҳ иш эканини билдириб, унга ҳизбияларнинг (юқорида номлари келтирилган, яъни Феруза Рустамова ўзи нақибалик қилган ҳизбиялар) номлари ва манзилларини маълум қилиб, уларни ва улар орқали атрофдагиларни даъват қилиш, улардан таборот пулларини ўз вақтида йиғиб олишни топширади. Бундан ташқари, Феруза Рустамовага турли диний адабиётлар, жумладан "Онг Ал Ваъйи" журналларини бериб, бу журналлар учун таборот пулларидан ташқари қўшимча равишда 1 АҚШ долларидан пул олишни буюради.

Жумладан, у 2008 йил сентябрь ойининг ўрталарида уйига келганида қизи Ойша унга ҳижобга ўранган аёл рўмолга ўроғлик нарсаларни ташлаб кетганини айтади. Феруза рўмолдаги нарсалар 8 дона "Онг Ал Ваъйи" журналининг янги сонлари эканини билганлиги учун уни очиб кўрмайди. У ўша вақтда жазони ижро этиш муассасасига эрини кўришга кетаётгани учун журналларни "Назарбек-2" жиҳози нақибаси Муқаддам Турғунованикига олиб бориб, Муқаддам уйида бўлмаганлиги сабабли унинг қизига қолдиради. Орадан бир ҳафталар ўтгач, Салима Зокирова яна Ферузанинг ёнида пайдо бўлади. Бу гал Феруза қўл остидаги ҳизбиялардан йиғган 18 минг сўм пулни унга топширади.

Журналларни эса Муқаддам Турғунованикида қолдирганини, пули ҳали йиғилмаганини, йиғилгач, албатта, унга ўзи олиб бориб беришини айтади. Шу ерда Салима Зокирова Феруза Рустамовага яна бир масъулиятли вазифани юклайди. Энди у "Назарбек-2" жиҳози аъзоларининг ҳисоботи ва таборот пулларини ҳам йиғиб бериши лозим бўлади.

Гуруҳнинг яна бир масъул кишиси Муқаддам Турғунова 1964 йилда туғилган, тўрт нафар фарзанди бор. 2000 йилда уч нафар укаси норасмий "Ҳизбут-таҳрир" оқимига аъзоликда айбланиб, Жиноят кодексининг 159-моддаси билан озодликдан маҳрум этилган. Бунгача у укалари орқали мазкур оқим фаолияти ва келиб чиқиш тарихи ҳамда асосий мақсадлари ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлган. Хусусан, бир сафар унга укалари: "Биз сизга ўргатган "ҳизбий" таълими тўғрисида шубҳаланган одамларингизга айтманг", дейди. Унинг: "Нима учун?" – деган саволига укалари "Бу фаолият олиб борилишига давлат қарши чиқмоқда, мен сизга берган китобларда исломга даъват қилиш фикрлари ёзилган, агарда бирорта қўшни давлатда халифалик ўрнатилса, бизнинг давлатимиз ҳам халифалик шаклига ўтишга тайёр бўлишлиги учун бу фаолиятни олиб бораяпмиз", – дейди. Шундан сўнг у укалари берган китоб ва варақаларни "ишончли" одамларга тарқатиш ҳамда ҳизбга даъват этиш билан шуғулланади. 2006 йилда укалари қамалгач, фаолиятини тўхтатади.

2003 йилда унинг хонадонига "Зироат" опа исмли нотаниш аёл келади. Бу киши "Минтақа мусоидаси" Н.Миртолибова эди. Шу ерда одам бир ҳақиқатга амин бўладики, бу гуруҳ фаолияти олдида "Ўргимчак тўри" сериалини суратга олган италиялик кино ижодкорлар ҳам ип эшолмай қолади. Нега деганингизда, Муқаддам Н.Миртолибовани илгари танимаган. Миртолибовада эса Муқаддам ҳақидаги ҳамма ахборотлар бўлган. Худди шунингдек, икки накиба ҳам қўл остидаги ҳизбиялар бу фаолият билан шуғулланишларини билмаган. Уларга кўрсатма юқоридан, яъни Н.Миртолибова ва С.Зокировалардан бериб турилган.

Хуллас, "Зироат" опа Муқаддам Турғуновани топади(!)

Феруза унга ўзининг "Ҳизбут-таҳрир" аъзоси эканлигини билдириб, фаолиятни тўхтатмаслик лозимлигини, фақат жуда эҳтиёт бўлиб ишлаш, Оллоҳ йўлида халифалик давлати қуришга даъват қилишни яна қайтадан бошлаш кераклиги ҳақида ҳамда таборот пуллари ва қўл остидаги ҳизбиялардан даъватни олиб бориш ҳақидаги ҳисоботларни жиддий талаб қилишни уқтиради. Шундан сўнг Муқаддам Турғунова ўзи раҳбар бўлган "Назарбек-2" жиҳози ишини қайтадан оёққа қўйиб, қўл остидаги ҳизбиялардан таборот пули йиғиш, даъватларни назорат қилиш ишларини бошлаб юборади.

Жумладан, у қўл остидаги ҳизбияларга юқоридан бериб турилган экстремистик руҳдаги турли адабиётлар, варақалар ва уйига Феруза Рустамова томонидан ташлаб кетилган "Онг ал Ваъйи" журналларини тарқатади. Қўл остидагилардан ҳар ойда пул йиғиб олиб, Феруза Рустамовага топшириб келади.

Бу гуруҳ фаолияти ва гуруҳ аъзоларининг ижтимоий келиб чиқиши билан танишган одамни бир нарса ажаблантиради. Яъни гуруҳ аъзоларининг барчаларининг ё турмуш ўртоқлари ёхуд бирор яқинлари айнан норасмий "Ҳизбут-таҳрир" оқимига аъзо бўлганликлари учун қамоққа олинган.

Уларнинг бир тизимга жамланишида ҳам айнан мана шу омил асосий роль ўйнаган. Масалан, Феруза Рустамова қўл остидаги ҳизбияси Мунаввар Аҳмедова билан ИИВ Жазони ижро этиш Бош бошқармасида учрашиб қолади. Бу ерга Мунаввар Аҳмедова жазо муддатини ўтаётган турмуш ўртоғини кўришга рухсат олиш учун келганди.

Ёхуд Ферузанинг Шоира Мўминова билан учрашиши ҳам худди шу тарзда кечади. Қорақалпоғистондаги Жаслиқ ҳибсхонасига эрини кўришга борган Феруза бу ерда қамоқда ўтирган ўғлини кўришга келган Шоира Мўминовани учратиб қолади. Ва ундаги мойилликдан фойдаланиб, ўз томонига оғдириб олади.

Шундай қилиб, 12 кишидан иборат яширин жиноий гуруҳ пойтахтимизда қўпорувчилик ва бузғунчиликка асосланган "Ҳизбут-таҳрир" ғояларини даъват қилиш, оддий фуқаролар онгу шуурини бўлмағур, чиркин ғоялар билан заҳарлаб, бу йўлда ўзларининг "қийшиқ юз"ларини дин билан никоблаб келганлар. Қинғир ишнинг қийиғи чиқмасдан қолмайди. Яқинда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ушбу гуруҳ фаолиятига нуқта қўйилди.

Шу йилнинг 9 апрель куни жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди мазкур ишни кўриб чиқди ва жиноятчиларга қонуний жазо тайин этди. Тўғри, жиноятчилар жазосини олди, улар фаолиятига нуқта қўйилди. Шу билан ҳаммаси жойига тушгандай бўлди, гўё. Бироқ масаланинг моҳиятига назар солсангиз, аҳвол бироз бошқача. Моҳият шундаки, бу одамлар маърифатсиз бўлгани учун шу йўлга кирган. Маърифат йўқ жойда жаҳолат ҳукм суради. Суд иши билан танишган одам судланувчиларнинг ҳам, улардан олдин қамалган уларнинг яқинларининг ҳам барчаси ўрта маълумотли, диний сабоқни ҳам "қўлбола" усулда эгаллаганларини билиб, бизнинг фикримизга қўшилиши тайин.

Йўқса, мусулмон оламида Исломнинг иккинчи Ватани деб эъзозланган, дунёга Бухорий, Нақшбанд, Марғиноний, Замахшарий каби улуғ зотларни етиштириб берган мўътабар заминда улар келиб чиқишининг тайини бўлмаган қандайдир Набаҳоний деган олчоқнинг аксилинсоний ғоясига асир тушмаган, тўғри йўлдан адашмаган бўлар эдилар. Имом Газзолий "Кимёи саодат" асарида шундай ҳикояни келтиради: бир гуруҳ кўрлар йўлни кўрмай, четроқда кўзалар турган жойдан ўта бошладилар ва "кимдир йўлимизга тўсиқлар қўйибди", деб шикоят қилдилар. Аслида улар кўрлиги туфайли йўлдан адашган эдилар, дейди.

Кўриниб турибдики, буюк боболаримиз динда ақл-идрок, соф руҳ муҳим омил эканини, маънавий кўрлик эса жаҳолатга етаклашини айтиб ўтишган.

Мустақиллик қўлга киритилгачи, юртимизда миллий қадриятларимизга, айниқса, динимизга бўлган эътибор тубдан ўзгарди. Мустамлака даврида нураб турган масжидлар таъмирланди, юзлаб янгилари бунёд этилди. Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Марғиноний, Имом Мотурудий каби ўнлаб авлиёларимизнинг қабрлари обод этилиб, зиёратгоҳларга айлантирилди. Пойтахтимиздаги ҳазрати Имом мажмуи бугун кўплаб хорижлик меҳмонлар кўзида ҳайрат алангасини ёқмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, мамлакатимизда Ислом динига бўлган чуқур ҳурмат ва эҳтиромни билдиради.

Бу хайрли ишларни қалбида маърифат бор, имони бут одамлар кўриб, бугунги замонга шукроналар айтишади. Қўлларини дуога очишади. Имонсизлар эса тўғри йўл қолиб, эгри йўлга от солишиб, алалоқибат юзи шувут бўлишади. Бундай кунга тушишдан Яратганнинг ўзи асрасин.

Ўрол СОДИҚ

Region.uz

Тошкент шаҳридаги барча адвокатлик ҳайъатлари, фирмалари ва бюролари раҳбарлари ҳамда уларда ишлаётган адвокатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги 60-сонли қарорига мувофиқ малака имтиҳонларини қайта топшириш учун тегишли ҳужжатларни зудлик билан Адвокатлар палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасига ва Тошкент шаҳар адлия бошқармасига тақдим этишлари зарур.

Шунингдек, қайд этилган адвокатлик тузилмалари белгиланган тартибда жорий йилнинг 1 июлигача шаҳар адлия бошқармасидан қайта рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Мурожаат учун:

Адвокатлар палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг телефони (8-371) 237-24-05.
Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг телефони (8-371) 269-14-43., 269-14-45.

1993 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта давлат рўйхатига олинган Ўзбекистон Фан-техника жамғармасининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 93(044)-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

1993 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта давлат рўйхатига олинган Марказий Осиё халқларининг ҳамкорлиги ва тараққиётига кўмаклашувчи халқаро уюшмасининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 128(240)-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

1994 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган "Орол" халқаро хайрия жамиятининг фаолияти фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2009 йил 22 апрелдаги ҳал қилув қарорига асосан тугатилганлиги сабабли, унга берилган 162-сонли гувоҳнома, устав, муҳр ва штамплар ҳақиқий эмас деб топилсин.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист **Жума САЪДУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Буюртма Г-415. Тиражи — 19739. Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 20.00 t — тижорат мақола.

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 233-95-31,
Факс: 233-84-50
e-mail: inson_va_qonun@mail.ru
1 2 3 4 5 6 7 8